ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1996 йил 14 декабрь, шанба № 150 (789). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН
МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 14 декабря 1996 г. № 150 (789). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Указ

ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ МЕРАХ ПО СТИМУЛИРОВАНИЮ РАЗВИТИЯ И ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ С ИНОСТРАННЫМИ ИНВЕСТИЦИЯМИ

В целях стимулирования развития производственных предприятий с иностранными инвестициями, активизации их инвестиционной деятельности, привлечения высококвалифицированных рабочих кадров и специалистов:

1. Разрешить Национальному банку внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан, коммерческим банкам, имеющим лицензию на проведение валютных операций, осуществлять кредитование инвестиционных проектов в свободно конвертируемой валюте за счет собственных и привлекаемых кредитных ресурсов, а также самостоятельно устанавливать процентные ставки по выдаваемым инвестиционным валютным кредитам.

2. Отменить с 1 января 1997 года для производственных предприятий с иностранными инвестициями действующий порядок государственного регулирования средств, направляемых на оплату труда.

3. Министерству юстиции, Министерству финансов, Центральному банку Республики Узбекистан в недельный срок подготовить предложения по внесению соответствующих изменений и дополнений в действующие законодательные и нормативные акты, вытекающие из настоящего указа.

4. Контроль за исполнением настоящего указа возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Хамидова Б. и председателя Центрального банка Республики Узбекистан Мулладжанова Ф.

Президент Республики Узбекистан И. КАРИМОВ.

гор. Ташкент,
13 декабря 1996 г.

РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

Андижонда чигитни плёнка остига экиш масалаларига бағишланган қишлоқ хўжалик ходимларининг республика семинари бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, кимё ҳамда техник хизмат кўрсатиш бирлашмалари, раҳбарлари, олимлар иштирок этди. Семинарни Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов бошқарди.

Тадбирда Андижонликлар бу борада тўплаган тажриба ҳақида Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Қобулов маъруза қилди. Иштирокчилар Андижон қишлоқ хўжалик институти ўқув маркази қошида ташкил этилган пахтани плёнка остида экиш тажриба участкасида ўтказилган амалий машғулотларда қатнашди.

Семинарда плёнка остига пахта экиш, шу йўл билан юқори ҳосил олиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Ҳ. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

МИЛЛАТНИ РУҲЛАНТИРГАН ФАРМОН

Ўзбек миллатининг болажон халқ эканлигини алоҳида таъкидламасак-да, бу кўпчиликка маълум. Фарзанд камолини кўриш ҳар бир ўзбекнинг дилига тугиб қўйган эзгу ниятидир. Ҳатто анъаналаримиз, қадриятларимиз негизида ҳам бу олийжаноб туйғу мужассам. Қўйингки, бир сўз билан айтганда, ўзбек фарзандининг иқболи учун яшайди. Аслида болага бўлган бу янглиғ туганмас меҳр Ватанга бўлган муҳаббатдан эмасмикин?..

Республика Президентининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга кенг эътибор қаратаётгани халқимизнинг диққат-эътиборида турибди. Ҳукуматимизнинг бу борада юритаётган халқчил сиёсати сабабли мамлакатда туб ўзгаришлар амалга ошмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг куни кеча эълон қилган «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эса болажон миллатни руҳлантириб юборганлигига шак-шубҳа йўқ.

Истиқлолга эришганимиздан кейин, давлатимиз келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни жисмонан ва ақлан баркамол қилиб тарбиялашга, вояга етказишга кенг эътибор қаратиб келмоқда. Мазкур Фармоннинг моҳияти ҳам ўзбек оилаларининг болаларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашига қаратилгандир. Айниқса, Фармоннинг 2-бобида «Оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

Бир нафар болали оилаларга — 50 фоиз;

икки нафар болали оилаларга — 100 фоиз;

уч нафар болали оилаларга — 140 фоиз;

тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга — 175 фоиз» дейилган қисми кам таъминланган оилаларнинг 16 ёшгача бўлган болаларига моддий ёрдам миқдорининг аниқ кўрсатилганлиги билан кишини беҳад қувонтиради.

Халқчил сиёсат ва ислоҳотлар саховат, мурувват, меҳр-оқибат қайта қарор топаётган жамиятимизнинг истиқбол сари дадил одимлаётганлигидан яна бир бор дарак беради.

Лейтенант А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси 1997 йили Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига асарларни тақдим этиш муддати 1996 йилнинг 14 декабридан 1997 йилнинг 15 февралигача белгиланганлигини маълум қилади.

Мукофотга сазовор бўлган муаллифлар ва асарлар номи Наврўз байрами арафасида эълон қилинади.

Асарларни тақдим этиш ва уларга ҳужжат тайёрлаш билан боғлиқ барча масалалар бўйича маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

700000. Тошкент шаҳри, Абдулла Тўқай кўчаси, 1-уй.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси.

Телефон: (3712) 34-83-54.

Сайёрамиз нафаси

БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун 1996 молия йили инқирозли бўлди. Айни пайтда унинг ғазнасидаги маблағ атиги 178 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Турли мамлакатларнинг БМТдан қарзи эса 2,3 миллиард доллардан ошиб кетган.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, 1996 йили БМТга аъзо 185 давлатдан фақатгина 97 таси мазкур ташкилот жамғармасига 1,3 миллиард доллар пул ўтказган. Қарздор мамлакатлар ичида энг асосийси АҚШ ҳисобланиб, у БМТ билан бўлган баъзи келишмовчиликлар туфайли ушбу ташкилот жамғармасига зиммасидаги маблағни ўтказмай келаётир. АҚШнинг қарзи 1,4 миллиард долларни ташкил қилади.

ЛОНДОН. Британия полицияси 12 декабрь куни мамлакатнинг машҳур саноатчи миллионерларидан бири, 55 ёшли Ричард Уотсоннинг мурдасини топди.

Маълумотларга қараганда, Р. Уотсон ёлланган қотил томонидан шафқатсизларча ўлдирилган. Текширув чоғида миллионернинг россиялик ҳамкасбларида шубҳа уйғотгани, шунингдек, талайгина қарзга ботиб қолгани аниқланди.

***

Европа тараққиёт ва тиклаш банки (ЕТТБ) Дунай дарёсидан нефть қувурини ўтказиш учун Молдова ҳукуматига 19 миллион АҚШ доллари ажратди.

Мазкур лойиҳанинг умумий баҳоси 38 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

ПАРИЖ. Франция Президенти Жак Ширак мамлакат ҳукуматининг обрўси тушиб кетганига қарамай унинг таркибини ўзгартирмасликка қарор қилди.

Маҳаллий кузатувчилар Бош вазир Ален Жюппенинг истеъфога чиқишини башорат қилсаларда, Президент Жак Ширак унга тўла ишонишини билдирди.

ВАШИНГТОН. АҚШ Давлат департаменти вакили Николас Бернс Брюсселда бўлиб ўтган НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг кенгаши тарихий аҳамиятга эгалиги, зеро ҳарбий блокнинг кенгайиши муқаррар эканини айтди. Шунингдек, у келаси йил 8—9 июлда Испания пойтахтида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувда НАТОга аъзо бўладиган янги давлатларнинг номи маълум қилинишини таъкидлади.

***

«Лос-Анжелес» газетасининг хабарига кўра, Клинтон маъмурияти Саудия Арабистонида жойлашган Америка ҳарбий базасидаги фожиага алоқадорлиги учун Эронга нисбатан жазо чораларини режалаштирмоқда. Дарҳон базасидаги мазкур бомба портлашида Эроннинг қўли борлиги исботланган. Америка ҳукумати Эрондаги ҳарбий нишонларга зарба бериши мумкин.

НЬЮ-ЙОРК. Си-Эн-Эн телекомпанияси хабарига кўра, Ироқ президенти Саддам Хусайннинг ўғли Удай Ҳусайнга нисбатан суиқасд уюштирилган. Натижада У. Ҳусайнга нисбатан суиқасд айни пайтда касалхонага ётқизилган. Суиқасд тафсилотлари ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Бу Удай Ҳусайнга нисбатан уюштирилган иккинчи суиқасддир. 1992 йили у шундай суиқасд туфайли қўлидан ярадор бўлганди.

БЕРЛИН. Германия билан Жанубий Африка Республикаси ўртасида ҳарбий техника соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Битимга кўра, Германия Жанубий Африка Республикаси ҳарбий заводларини замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлайди. Шунингдек, немис зобитлари Жанубий Африка Республикаси ҳарбий аскарларини ўқитади ва ҳарбий машқлар ўтказади.

Жанубий Африка Республикаси билан тузилган бу шартнома Германия учун 450 миллион АҚШ доллари миқдорида соф фойда келтиради ва 4 минг нафар Германия фуқаросини иш билан таъминлайди.

ҚОҲИРА. Яқин Шарқ мамлакатлари қурол-яроғ харид қилиш борасида дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Халқаро стратегия институти маълумотларига кўра, бу минтақа давлатлари бир йил мобайнида 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида қурол-яроғ сотиб олган.

Жанубий ва жанубишарқий Осиё давлатлари ҳам 1995 йилда 7,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида қурол-яроғ харид қилган. Саудия Арабистони мамлакат мудофааси учун 8,1 миллиард АҚШ доллари ажратиб, қурол сотиб олиш бўйича биринчиликни эгаллаб турибди.

ПРАГА. Чехия билан Польша ўртасида ўзаро ҳарбий техника алмашиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Мазкур шартномага кўра, Польша Чехияга 6 та «Сокол» русумидаги вертолёт етказиб берди. Чехия Россиянинг «Миг-29» русумидаги 10 та қирувчи самолётини 11 та Польша вертолётига алмаштирди.

Чех ҳарбий мутахассислари бу алмашув Чехия учун фойда келтирмаслигини билдирдилар. Бироқ, Чехия НАТОга аъзо бўлишга интилаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун у мамлакат мудофаа тизимини Ғарб ҳарбий техникалари билан такомиллаштирмоқда.

(ЎзА).

● АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА!

— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларига эга», деб ёзиб қўйилган. Ана шу Қуролли Кучларимиз яқинда ўзининг беш йиллигини байрам қилади, — деди биз билан суҳбатда оддий аскар Жамшид Жўраев. — Мен беш ёшга тўлаётган армиямиз сафида ўз йигитлик бурчимни ўтаётганлигимдан беҳад хурсандман. Хизматда эришаётган барча ютуқларим Қуролли Кучларимиз беш йиллигига менинг аскарий туҳфамдир.

Суратда: **аълочи оддий аскар Ж. Жўраев.**

А. ЭШБОЕВ сурати.

Мерган пулемётчи

Мустақил Республикамиз Қуролли Кучлари шахсий таркиби она-Ватанни эъзозлаб, ардоқлаб ва севиб хизмат қилишаяпти. Улар юртимизнинг асл ҳимоячилари эканлигига асло шубҳа йўқ. Шундай жангчиларнинг бири—камтарин, меҳнаткаш ва ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаётган пулемётчи оддий аскар Ойбек Мажидовдир. Унинг хизматини бошлаганига 1 йил бўлди.

Ойбек командир ва бошлиқларнинг буйруқ ҳамда кўрсатмаларини сидқидилдан бажариб келаяпти. Шу сабабдан ўз сафдошлари ўртасида аъло хизмати туфайли обрў орттирди. Ҳозир у взвод бўлинмаси командири. Бир вақтлар ўзи зўр қизиқиш ва истак билан ўрганган ҳарб илми сир-синоатларини эндиликда хизматга кузги чақирув бўйича келган ёшларга астойдил ўргатмоқда.

— Ҳарбий ҳаётда қийинчиликлар ҳам учраб туради.— дейди оддий аскар Ойбек Мажидов, биз билан суҳбатда.— Уни матонат билан енгиб ўтмоқлик ҳар бир йигит учун фарз ҳисобланади. Қисмимизда аъло хизмат қилиш учун эса барча шарт-шароитлар муҳайё. Фақат самимий хизмат қилиш керак, холос.

Дарҳақиқат, оддий аскар О. Мажидов жамоадаги етакчи посбонлар билан елкама-елка туриб, ёзги ўқув мавсумининг барча тайёргарлик машғулотларида муваффақиятли қатнашди. Айниқса, у ўзига бириктирилган пулемётдан ўт очиб, нишонларни бехато қулатишда кўпчиликка ўрнак бўлди. Унинг тактик машқлар жараёнида кўрсатган кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Ойбек Ватан ҳимоячилари кунини қўлга киритаётган ютуқлари — муносиб туҳфа билан қаршиламоқда.

Шундай қалби пок, ориятли ва соф виждонли йигитлар юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилишаётган экан, келажаги буюк Ватанимиз мудофаасининг мустаҳкамлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Лейтенант Ш. ҲОШИМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Салмоқли ҳисса қўшиб

Ҳозирги кунда барча ҳарбий хизматчилар олдида қишки мавсум ўқув машғулотларида юксак натижаларни қўлга киритишдек масъулиятли вазифа турибди. Ундан аъло даражада ўтишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлинмамиз жангчилари астойдил эпчиллик ва уқувлилик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Яқинда олган назарий билимларимизни мустаҳкамлаш ниятида ўқув машқида қатнашдик. Махсус буйруққа биноан бўлинмамиз шахсий таркиби саф тортди. Сўнгра дала-ўқув майдонига йўл олдик. У ерда жанговар тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилди. Ҳар галгидек, бу ўзига хос синовда ҳам взводимиз жангчилари пешқадамлик қилишди.

Жамоамиз аъзолари моҳирона ҳаракат қилиб, шартли «душман» эгаллаб турган майдонни забт этишди. Бунда Р. Алимов, С. Умрзоқов, А. Султонов, Х. Толипов каби тажрибали кичик командирларимиз ўз қўли остидагиларга тўғри буйруқ-кўрсатмалар берган ҳолда вазифани «аъло» кўрсаткичлар ила тамомлашга салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, яқиндагина хизматини бошлаган ёш оддий аскарлар — О. Сиддиқов, И. Улуғбеков, Н. Қодировлар етакчи посбонлардан ибрат олиб, ўз олдиларида турган ўқув-жанговар топшириқларни муваффақиятли адо этдилар.

Биз аскарлар 14 январь—Ватан ҳимоячилари кунини бундан ҳам яхшироқ уюшқоқлик билан кутиб оламиз. Вазифамиз — келажаги буюк давлатимиз осмонини ҳамиша мусаффо бўлишини таъминлашдир.

Оддий аскар Э. АЗАМАТОВ.

● АКТУАЛЬНОЕ ИНТЕРВЬЮ

Закон жизни армии

С 1 декабря 1996 года Вооруженные Силы Республики Узбекистан живут по своим уставам. Как уже сообщала наша газета, указом Президента Республики Узбекистан от 9 октября 1996 года утверждены общевоинские уставы, приказом Министра обороны от 4 октября 1996 года введен в действие Строевой устав. Интерес к этому важнейшему событию в жизни не только военнослужащих очень велик, и наш корреспондент подполковник В. Калошин обратился к первому заместителю Министра обороны — начальнику Главного штаба Министерства обороны генерал-лейтенанту В. МАХМУДОВУ с просьбой ответить на ряд вопросов, особенно волнующих наших читателей.

— Чем отличаются общевоинские уставы Вооруженных Сил Республики Узбекистан от прежних уставов Вооруженных Сил?

Общевоинские уставы — основа организации Вооруженных Сил и свод законов для каждого военнослужащего. Они определяют воинский порядок в части и подразделении, должностные обязанности и права военнослужащих, их специальные обязанности при несении службы по поддержанию воинской дисциплины и меры ответственности при ее нарушении.

При разработке уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан учитывался огромный опыт, накопленный не одним поколением военнослужащих, вносился целый ряд новых положений, исходящих из законодательства Республики Узбекистан, принципов строительства Вооруженных Сил, а также учитывались национальные особенности личного состава.

Всего в новых уставах 67 положений, отличных от прежних. Наибольшее их число в Уставе внутренней службы.

— Какие новые положения изложены в Уставе внутренней службы?

Устав начинается с текста Военной присяги, утвержденного постановлением Верховного Совета Республики Узбекистан от 3 июля 1992 года.

Новшеством являются и общие положения устава, определяющие суть и предназначение внутренней службы—поддержание в воинской части порядка и воинской дисциплины, обеспечивающих ее постоянную боевую готовность, учебу личного состава, организованное выполнение других задач повседневной деятельности и сохранение здоровья военнослужащих.

Требования внутренней службы обязан знать и добросовестно выполнять каждый военнослужащий.

Защита Республики Узбекистан от вооруженной агрессии является конституционной обязанностью. Военная служба — особый вид государственной службы по выполнению гражданами Республики Узбекистан всеобщей воинской обязанности и службы по контракту в Вооруженных Силах и других воинских формированиях Республики Узбекистан. Так теперь излагается задача граждан по защите своей Родины.

В соответствии с законодательством Республики Узбекистан, говорится в уставе, содержание и объем прав, обязанностей и ответственности военнослужащих зависят от того, находятся они при исполнении обязанностей военной службы (служебных обязанностей) или нет.

Совершенно новое в уставе — определение прав военнослужащего, в том числе на ношение и применение оружия лично или составом подразделения, а также его обязанностей по обеспечению чести и достоинства воина в районе боевых действий и в случае его захвата в плен. Определены виды ответственности военнослужащих: дисциплинарная, административная, гражданско-правовая, материальная и уголовная.

В уставе определено, что такое приказ (приказание), порядок его отдачи и выполнения.

Реформы, проводимые в Вооруженных Силах, вызвали необходимость изложения в уставе обязанностей командира бригады, его заместителей и ряда других должностных лиц.

— В Уставе гарнизонной и караульной служб, вероятно, изменений значительно меньше?

— Да, в этом уставе новых положений несколько меньше, чем в Уставе внутренней службы. Мы остановимся на некоторых из них.

Уже в статье 4 написано: «При выполнении миротворческой миссии и расположении воинских частей Вооруженных Сил Республики Узбекистан на территории другого государства руководство гарнизонной и караульной службами, границы гарнизонов регламентируются статусом пребывания войск Узбекистана за границей, утвержденным международным соглашением между Республикой Узбекистан и государством, на территории которого располагаются воинские части».

Дежурный по караулам гарнизона сейчас называется дежурным по гарнизону, и ему подчиняется весь гарнизонный наряд, включая инспекторов ВАИ.

3-я глава устава посвящена военной автомобильной инспекции гарнизона, чего раньше не было. Новым является также раздел «Караульная служба с применением технических средств охраны».

Теперь подготовка к несению службы в караулах проводится в три этапа и начинается она за 2—3 дня до заступления в наряд.

В уставе подчеркнуто, что при участии военнослужащих в гражданских мероприятиях и обрядах (например, при погребении военнослужащих) воинские почести отдаются с учетом национальных обычаев и согласуются с родными и близкими.

— Дисциплинарный устав всегда привлекал особое внимание и военнослужащих и гражданских лиц. Как отразились в нем последние изменения в жизни общества?

— По-прежнему метод убеждения остается основным в воспитании военнослужащих. Наряду с командиром повышена персональная ответственность его заместителя по работе с личным составом за работу по укреплению воинской дисциплины. В новом уставе конкретно нашли отражение положения о том, чем достигается крепкая воинская дисциплина, к чему она обязывает военнослужащих. По сравнению с ранее действующим уставом расширены обязанности командира (начальника) по поддержанию высокой воинской дисциплины в части (подразделении).

Вместе с тем в новом уставе подчеркнуто, что деятельность командира (начальника) по поддержанию воинской дисциплины оценивается не по количеству правонарушений в воинской части (подразделении), а по точному соблюдению им законов и воинских уставов, полному использованию своей дисциплинарной власти и выполнению своих обязанностей в целях наведения порядка и своевременного предупреждения нарушений воинской дисциплины. За преступления, происшествия и проступки подчиненных, не являющиеся прямым следствием деятельности командира (начальника) или не принятием мер по их предупреждению, он ответственности не несет.

Предусмотрено в качестве поощрения присваивать военнослужащим воинское звание досрочно или на одну ступень выше воинского звания, предусмотренного по занимаемой штатной должности, если они проявили высокие морально-боевые качества при защите государства, добились отличных показателей в боевой подготовке и укреплении воинской дисциплины.

Упорядочен порядок наложения и приведения в исполнение взысканий, изложена суть каждого взыскания.

— В Строевом уставе, как более консервативном, что-либо изменить труднее?

Основные изменения вызваны реформой Вооруженных Сил. В уставе подробно показаны строи бригады, больше внимания уделено способам передвижения личного состава на поле боя и действиям при внезапном нападении противника.

Отныне в наших Вооруженных Силах не отдается воинская честь, а выполняется воинское приветствие.

В приложении устава показано выполнение строевых приемов с шашкой. Они необходимы сейчас не только при исполнении воинских ритуалов, но и в кавалерийских подразделениях наших войск.

— Каков порядок внедрения новых уставов в повседневную жизнь войск?

— Согласно указу Президента Республики Узбекистан, новые общевоинские уставы начали действовать с начала нового учебного года, то есть с 1 декабря 1996 года. В настоящее время они изданы и направляются в войска. Теперь очень многое зависит от организаторской работы командиров частей и их штабов, настойчивой и полноценной информационной деятельности офицеров по работе с личным составом, активистов и общественности подразделений.

Новые уставы в наибольшей степени отвечают потребностям и особенностям Вооруженных Сил независимого Узбекистана, и их быстрейшее освоение послужит дальнейшему повышению уровня боевой готовности частей и подразделений, укреплению дисциплины и организованности личного состава.

● ВОСПИТАТЕЛЬНАЯ РАБОТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

УПУЩЕННЫЙ ДЕНЬ,

ИЛИ О СОГЛАСОВАНИИ ПЛАНОВ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

Получив редакционное задание побывать на едином дне общественно-политических знаний в одной из частей Ташкентского гарнизона, я искренне волновался. В основе его проведения лежит не потерявшая своей актуальности традиция регулярного, непосредственного общения командования с военнослужащими, оперативного информирования людей об общественно-политической обстановке в стране и за ее пределами, ходе продвижения реформ в независимом Узбекистане, задачах, которые ставит современная, бурно изменяющаяся жизнь. Рассказывать о таких мероприятиях на страницах газеты и сложно, и интересно, ведь живое общение с солдатами и сержантами, офицерами и прапорщиками всегда подразумевает острые, наболевшие вопросы.

Понятно мое удивление, когда с первых же минут разговора с офицером по работе с личным составом старшим лейтенантом Н. Фазиловым выяснилось, что на сегодня день общественно-политических знаний в части не запланирован. Ведь данное мероприятие инициируется Управлением по работе с личным составом Министерства обороны Республики Узбекистан, в нем принимают участие руководящий состав Министерства обороны, наиболее опытные офицеры управлений и отделов, руководители местных органов власти, представители ветеранских и общественных организаций. Легко представить себе настроение этих уважаемых людей, долго готовившихся к встрече с военнослужащими непосредственно в подразделениях, и в итоге узнавших бы, что в этот день их не ждали.

Пришлось более внимательно ознакомиться с планами воспитательной работы. В этот день в подразделениях должна была состояться беседа «Защита Отечества — священный долг каждого воина». Может, выступление руководящего состава планировалось раньше или позже? Нет. В понедельник предусматривалась коллективная читка газеты «Ватанпарвар», в четверг — киновечер «Устав — закон жизни воина», в конце недели — «Подведение итогов за неделю».

Приятно такое внимание к родной газете, но меня больше заинтересовало четверговое мероприятие. Действительно, что сейчас может быть более актуальным, чем изучение общевоинских уставов Вооруженных Сил Республики Узбекистан, утвержденных недавно Указом Президента? Неужели о них уже успели отснять хотя бы документальный фильм?

Нет, не успели. Да и, как выяснилось из дальнейшего разговора, самих уставов в части пока не оказалось. Так, может быть, было бы очень своевременно воспользоваться запланированным «сверху» днем общественно-политических знаний и пригласить на встречу с солдатами и сержантами, офицерами и прапорщиками тех, кто принимал участие в разработке новых уставов. Такая возможность в этой части есть.

Я далек от мысли, что в данной части плохо поставлена воспитательная работа с личным составом. Как раз накануне моего приезда здесь побывали проверяющие из Министерства обороны. Полковник Ф. Усманов — заместитель Министра обороны по воспитательной работе лично присутствовал на первых занятиях по общественно-политической подготовке. В подразделении старшего лейтенанта А. Авезова он беседовал со слушателями группы рядового состава. Солдаты отвечали на все вопросы четко, показав глубокое знание пройденных тем и своих обязанностей по обеспечению безопасности независимого Узбекистана.

Рядовой Гулям Гафуров, призванный из Навоийской области, старший механик подразделения связи, один из передовых воинов, продемонстрировал такой высокий уровень знаний, что был поощрен полковником Ф. Усмановым краткосрочным отпуском.

Стоит упомянуть, что солдаты и сержанты части в ходе первых занятий нового учебного года показали высокую боевую готовность, умело действовали по сигналам, что также было отмечено старшими начальниками.

Заметно сократилось в части и число грубых нарушений воинской дисциплины, что свидетельствует о большой работе, проводимой как командирами, так и офицерами по работе с личным составом. Все это так, но...

В тот день, как выяснилось в разговоре, должно было состояться выездное заседание военного суда. Давно находился в бегах рядовой Садриддин Дадаханов. Случай для настоящего времени редкий, и командование части решило использовать его в воспитательных целях — показать военнослужащим, что закон строг и справедлив. Сколько ни скрывался С. Дадаханов, но все равно был привлечен к уголовной ответственности.

Заседание суда, без сомнения, — достаточно эффективное мероприятие. Подкрепленное беседами работников правоохранительных органов, оно могло бы надолго остаться в памяти военнослужащих.

К сожалению, из-за несогласованности действий офицеров по работе с личным составом части и работниками Ташкентского гарнизонного суда оно тоже оказалось сорванным. Что это — снова случайность или уже стиль работы офицеров части?

К концу рабочего дня мне удалось встретиться с исполняющим обязанности заместителя командира части по работе с личным составом капитаном А. Ходжаевым. Да, проблем у него достаточно, хозяйство, как говорится, солидное. Возможно, порой и опыта не хватает. Ознакомился с заведенным в части планированием и на учебный период; и совместной работы с местными властями, и по достойной встрече 5-й годовщины образования Вооруженных Сил, и...

Словом, наконец-то мы разобрались, что единый день общественно-политических знаний запланирован в части на 20 декабря.

— Сейчас у нас интенсивно идут занятия по боевой готовности, наращивает ритм боевая учеба, — прокомментировал капитан А. Ходжаев эту дату. — К концу месяца будет больше свободного времени, учеба войдет в накатанную колею, вот тогда и проведем организованно это требующее большой подготовки мероприятие. Тем более что старшие начальники охотно отзываются на приглашение в подразделения и не раз уже выступали перед личным составом.

На первый взгляд в этом определенная логика есть. Но только на первый. Не надо забывать, что в Управлении по работе с личным составом дату назначили не с потолка, а исходя из многолетнего опыта работы. Там же дают поручения опытным офицерам, помогают им готовить выступления, направляют в конкретные части. А здесь, оказывается, решили по-своему. Конечно, можно будет в спешке и личный состав посадить, и беседу организовать. Но каково будет качество такого наспех подготовленного мероприятия, какой эффект?

В то же время именно в начале учебного года, когда старшие начальники намного больше времени проводят в частях и подразделениях, когда у них есть что сказать солдатам и сержантам, офицерам и прапорщикам после посещения первых занятий, подобная встреча будет не только своевременной, но и полезной для обеих сторон.

Расставаясь с частью, видел, что офицеры по работе с личным составом искренне переживают за свои упущения и готовы в дальнейшем действовать более организованно. Организация воспитательной работы на местах, налаживание взаимодействия всех ее форм и методов на всех уровнях — от отделения и взвода и до самого высокого — искусство нелегкое и требует большого опыта и немалых затрат нервной энергии.

Не сомневаюсь, что пройдет здесь и показательный суд, состоится и единый день общественно-политических знаний с привлечением самого высокого руководящего состава.

Жаль только, что этот день для воспитательной работы был явно упущен. И это в то время, когда военнослужащие и весь народ Узбекистана готовятся достойно встретить 5-ю годовщину образования Вооруженных Сил, когда имеются все условия для развертывания воспитательной работы на самом высоком — государственном уровне.

Подполковник В. КАЛОШИН,
начальник отдела воинской службы и воспитательной работы газеты «Ватанпарвар».

● ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ

ПЕРВАЯ БЛАГОДАРНОСТЬ

Что и говорить, быть новичком в любом деле нелегко, тем более в армии, вдали от родных и близких, от привычной обстановки. Слабый, неподготовленный человек в таких ситуациях иногда теряется, не зная, с чего начать и как быть.

Но рядовые К. Алимов из Кашкадарьинской и Б. Мурадов из Наманганской областей, прибыв в воинскую часть, не только не растерялись перед нелегкими армейскими испытаниями, а наоборот, обрели уверенность.

Осознавая, что должны защищать мир и спокойствие народа, ребята с первых дней стремятся все поставленные задачи выполнять с высоким качеством. И старания новичков оцениваются по достоинству. Так, несколько дней тому назад их усердие на занятиях по строевой и физической подготовке было вознаграждено: солдатам объявлена первая благодарность в их армейской службе.

— Еще на призывном пункте нам объяснили, — говорит рядовой Б. Мурадов, — что служба будет проходить в отличной части, поэтому мы должны оправдать возлагаемые на нас надежды. Конечно, нелегок путь к постижению военной науки. Но трудно — не значит непреодолимо. Тем более, когда рядом есть люди, способные в любую минуту прийти на помощь, подсказать, подбодрить, успокоить.

Как видно, налицо закономерный итог целенаправленной работы, которая велась в подразделении задолго до прибытия нового пополнения. И можно не сомневаться в том, что окруженные всесторонней заботой и вниманием новички гораздо быстрее освоятся в будничной солдатской жизни. Они действительно станут достойной заменой тем, кто в эти дни военную форму сменил на гражданскую одежду.

Капитан Т. АБДУСАИДОВ,
корр. «Ватанпарвара».

УСПЕШНОЕ НАЧАЛО

Военный водитель рядовой Баходир Мирзаев за время службы зарекомендовал себя способным, энергичным, грамотным и дисциплинированным солдатом. Хорошо зная технику, Баходир всегда поможет товарищу в ремонте, обслуживании и эксплуатации автомобиля при выполнении учебно-боевых задач.

— Свой «Урал» рядовой Баходир Мирзаев знает как свои пять пальцев, — утверждает командир роты лейтенант Махмуд Мадрасулов, — его автомобиль всегда исправен и обслужен.

Родом Баходир из Келеса Тойтепинского района Ташкентской области. Там живет его большая и дружная семья: отец Исмаил-ака — рабочий на заводе, мать Ойдин-опа — домохозяйка, братья и сестры. Провожая Баходира на службу, они наказывали ему, чтобы охранял свою Родину как зеницу ока.

Священный воинский долг исполняли все мужчины из рода Мирзаевых. После успешного окончания курсов и получения водительских прав в ОСО «Ватанпарвар» пришла пора стать в армейский строй и Баходиру. Уже более года служит он честно и достойно, выполняя все наказы своих родных.

А на первых занятиях при действиях личного состава по сигналам боевой готовности командир взвода лейтенант Юсуф Файзиев, подводя итоги, перед строем объявил первую благодарность в зимнем периоде обучения рядовому Мирзаеву.

Майор Б. ДЖУРАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ИДЕТ ПАТРУЛЬ ПО ГОРОДУ

Ежедневно десятки войсковых патрулей выходят на охрану порядка в воинских гарнизонах. Наиболее ответственна служба в столичном, Ташкентском гарнизоне. Это хорошо понимают военнослужащие части, где служит офицер С. Чарнев.

Маршруты несения службы патрулями пролегают по самым оживленным улицам столицы. Потому начальники патрулей и патрульные обращают особое внимание на соблюдение формы одежды военнослужащими, правил воинской вежливости, а также тесному взаимодействию с сотрудниками милиции.

Заступая в наряд, сержант Д. Абдухалилов, младший сержант С. Эсонбоев, рядовые Д. Норинбаев, А. Хаккиев и другие патрульные внимательно следят за поведением солдат и сержантов. Они предельно внимательны к обращениям граждан, проявляют высокую культуру поведения и безупречную вежливость.

Сегодня редки случаи, когда патрульным приходится действовать в экстремальных ситуациях. Но в части хорошо помнят служивших здесь рядовых Шамсунова и Маткаримова, при несении патрульной службы сумевших обезвредить вооруженных бандитов, несмотря на угрожавшую опасность.

Нелегка патрульная служба, постоянно напоминают подчиненным офицеры А. Шарипов, Б. Ташпулатов, инструктируя очередной суточный наряд. Умение сохранять выдержку в любой ситуации, способность с первого взгляда распознать нарушителя воинской дисциплины, владение приемами рукопашного боя — все это позволяет воинам отлично выполнять свои обязанности, с достоинством нести почетную и ответственную патрульную службу.

Старший лейтенант В. ЮСУПОВ.

ОЛИЙҲИММАТ ДЎСТ

Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олаётган халқимизнинг яратувчилик меҳнати тинч бўлишида, Қуролли Кучларимиз сафларида мардонавор хизмат қилаётган солдатларнинг улуши катта. Улар ўзларининг жанговар тайёргарликларини кундан-кунга бойитиб бораяптилар.

Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлаётган оддий аскар Искандар Пўлатов ҳам шулар жумласидан бўлиб, у ўзининг ҳалол меҳнати, интилувчанлиги билан сафдошлари ва командирларининг ҳурматини қозонган. Албатта, у бу шарафга осонликча эришгани йўқ. Дастлаб бир оз қийинчиликлар ҳам бўлди. Ўшанда устоз-командирларидан маслаҳат сўраб, ҳарб илми йўл-йўриқларини қунт билан ўрганди.

Ҳозирги кунда у ўзига ишониб топширилган жанговар техникани моҳирона бошқариб, йўл ҳаракати қоидалари ва барча амал қилиниши керак бўлган талабларга доимо риоя қилиб келмоқда. Меҳр қўйган касбини ардоқлаб, ўзига бириктирилган машинани кўз қорачиғидай асрайди. Ҳар қандай топшириқни ўз муддатида бажариш учун унинг шай ҳолда бўлишини таъминлайди. Сафдошларидан ҳам қўлидан келган кўмагини аямайди.

Жамоадаги сафдошлари Искандарни техникани яхши билувчи, бой билими билан кўп маротаба ёрдамлашган чин дўст сифатида ҳурмат қиладилар. Ҳозирда улар бир ёқадан бош чиқарган ҳолда қишки мавсум ўқув машғулотларида кўзланган мақсадга эришиш йўлида бажонидил курашмоқдалар.

Лейтенант Ҳ. МУҲАММАДЖОНОВ.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

«ЕВРОФАЙТЕР»ГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Испания ҳукумати «Еврофайтер 2000» дея номланмиш жанговар реактив самолёт ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳага катта қизиқиш билан қарамоқда. Мамлакат Мудофаа вазири Эдуардо Серра «Еврофайтер»нинг прототипи бўлган икки ўринли «ДА 6» самолётининг синов жараёни билан боғлиқ тантанада бу ҳақда журналистларга сўзлаб берди.

Маълумотларга қараганда, «Еврофайтер»нинг узунлиги 15,96 метрни, қанотлари эса 10,95 метрни ташкил этади. Яратилажак самолёт 24 компьютер ва замонавий электрон ускуналар билан тўла жиҳозланган бўлади.

Испания Мудофаа вазирининг эътироф қилишича, ушбу самолёт мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг мавқеини янада оширади. Шунингдек, вазирнинг гапига қараганда, Испания яқин 20 йил ичида 87 хил замонавий типдаги жанговар реактив самолётларни ишлаб чиқарали.

Ҳарбий ҳаво кучларининг Хетафедаги базасида ўтган ушбу тадбирда мамлакатнинг Саноат вазири Хосе Пике Кампс ҳам сўз олиб, бу борадаги ўз хайрихоҳлигини билдирди.

АРМИЯ ҚУДРАТИНИ ОШИРИШ УЧУН

Болтиқбўйи давлатлари Швеция қуролларини сотиб олишни бошлади. «Дагенс Ньюхетер» газетасининг маълумотига кўра Латвия Швециянинг машҳур ҳарбий концерни «Бофорс»дан бир қанча «Карл Густав» русумли гранатомётларни харид қилган. Ҳатто ушбу гранатомёт яқин орада Вильнюсдаги ҳарбий полигонлардан бирида синаб кўрилади.

Эстония ҳукуматининг «Карл Густав» гранатомётини сотиб олишга бўлган қизиқиши анча илгари пайдо бўлган эди. Швед газетасининг ёзишича, Болтиқбўйи мамлакатлари НАТО блокига аъзо бўлишга ҳали-вери етарлича тайёр эмас. Шу сабабдан ҳам мудофаа борасидаги ишларни янада шакллантириб, қуролли кучларни мустаҳкамлаш лозим. Шуни ҳисобга олиб, Латвия президенти Гунтис Ульманис мамлакат парламентини миллий армиянинг қудратини оширишга даъват этди, — деб ёзади газета.

Айни пайтда эса Эстония парламенти бу масала билан жиддий шуғулланмоқда.

ҚАРЗ ЭВАЗИГА ҚОПЛАНАДИ

Россиянинг 40 та БТР-80 бронетехникаси Венгрия давлатига етказиб берилди. Шу муносабат билан Венгрия — Украина чегарасида бўлиб ўтган тантанада Венгрия республикасининг мудофаа вазири Дьердь Келети ва Россиянинг Будапештдаги элчиси Иван Абоимов иштирок этди. Венгрия армиясининг эҳтиёжи сабаб икки йил давомида Россия 50 та бронетранспортёр етказиб беради.

Венгрия мудофаа вазири Дьердь Келетининг таъкидлашича, мамлакат қуролли кучлари Россиядан 320 млн. долларлик қудратли ҳарбий техника олишади. Буларнинг бари эса собиқ Иттифоқнинг Венгриядан қарзи эвазига қопланади.

Кузатувчиларнинг эътироф этишича, Варшава битимининг собиқ аъзолари бўлган давлатлар ичида фақат Венгрия Россия билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни сусайтиргани йўқ.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Италиянинг «Финмекконика» молиявий-саноат гуруҳига кирувчи «Аления» дея номланган нуфузли мудофаа компанияси ва Американинг «Локхид Мартин» номли авиасаноат корпорацияси Ц-27 «Джей» русумли янги ҳарбий транспорт самолётини яратиш борасида битим имзолади-лар. Бу ҳақда «Аления» корпорацияси президенти Жоржо Дзаппа журналистларга сўзлаб берди.

Ҳамкорликда яратилажак ушбу янги самолётнинг корпусини «Аления», электрон жиҳозлари ва авионикасини «Локхид Мартин» корпорацияси тайёрлайдиган бўлди. Самолёт қийин шароитларда ҳам бекаму-кўст ишлашга мўлжалланган. Ҳатто у мукаммал бўлмаган аэродромларга ҳам бемалол қўниши ва ҳавога кўтарилиши мумкин. Яъни унинг ўнгай томонларидан бири унчалик узун бўлмаган аэродром йўлакларида ҳам бемалол ҳавога кўтарилиши, қўнишидир.

Рота командири лейтенант Фахриддин Нормуродовнинг қўл остида хизмат қилишаётган аскарлар ҳарбий Низом қоидаларини жуда яхши билишади ва унга қатъий амал қилишади десак, хато қилмаймиз. Ҳамма нарсага ҳам аста-секин, босқичма-босқич, тинимсиз машқ орқа-ли эришилади. Бу ротада сафда шахдам қадам ташлаб юриш борасида камчиликлар йўқ. Саф бўлиб қўшиқ айтишда ҳам уларнинг олдига тушадигани топилмайди. Аскарлар командир ва бошлиқларига, бир-бирларига ҳарбий Низом қоидалари асосида мурожаат қилишади.

Ташқаридан қараганда бу вазифаларни бажариш осондек туюлади. Аслида эса бунга жуда машаққат билан эришилади. Жанговар тайёргарлик деймизми, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик деймизми — барча-барчасининг замирида командирнинг тинимсиз изланишлари, оғир, аммо шарафли меҳнати ётибди.

— Нишонга тўғри, аъло даражада отолмаган аскарнинг албатта тайёргарлигида камчилик бўлади, — дейди биз билан суҳбатда лейтенант Ф. Нормуродов. — Биз посбонларимизнинг бу жиҳатдан тайёргарликларига жуда катта эътибор берямиз. Ўзимизча бир шиор ҳам жорий этганмиз: «Ҳар бир ўқ нишонга» деган. Мақтанаяпти деманг-у, натижаларимиз зўр. Орамизда нишонни уролмайдиган битта ҳам аскар йўқ. Ҳамма жойда ҳам зўрларнинг зўри бўлади. Иккита аскаримизни фахр билан тилга олмоқчиман. Булар — сержант Қаҳрамон Маҳмуджонов, оддий аскар гранатомётчи Жаҳонгир Жўраевлардир.

1996 йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлаяпмиз. Янги йилдан ҳам умидларимиз катта. Ниятимиз Қуролли Кучларимиз беш йиллик байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш. Ҳозирда қишки мавсум ўқув машғулотларида фаол иштирок этяпмиз.

Биз лейтенант Ф. Нормуродов билан суҳбатлашиб бўлгач, у билан биргаликда дала ўқув машғулотларида бўлдик. Аскарларнинг нишонга отиш машқларини ўз кўзимиз билан кўриб, командирнинг айтган гапларига ишонч ҳосил қилдик.

Суратда: лейтенант Ф. Нормуродов командирлик қилаётган бўлинма аскарлари дала-ўқув машғулотлари пайтида.

А. ЭШБОЕВ сурати.

Третий год в лидерах

Отделение по учету и социальной защите солдат и сержантов запаса Сиабского районного отдела по делам обороны, что в Самаркандской области возглавляет энергичный младший лейтенант Алишер Игамбердыев. С 1988 года начал он службу в органах местного военного управления, последовательно прошел все должностные ступеньки.

Он был одним из первых, кому было присвоено офицерское звание и доверено возглавить отделение. Алишер Джуракулович делом доказал, что является одним из самых перспективных офицеров отдела по делам обороны. Под его руководством служащие Вооруженных Сил отделения — и ветеран Равшан Эргашев, и только начавшая работу инспектор Мастура Ташпулатова, и другие прилагают все усилия, чтобы удержать лидерство среди родственных отделений.

И это добросовестному офицеру и его помощникам хорошо удается. По итогам проверки за прошедший учебный год отделение заняло второе место среди отделений учета и социальной защиты солдат и сержантов запаса районных отделов по делам обороны.

С. ЮСУПОВ.

Скоро—юбиляр

Высокими результатами в боевой учебе и службе встречают 5-ю годовщину Вооруженных Сил Республики Узбекистан воины-танкисты подразделения, где служит старший прапорщик Василий Николаевич Бабин.

Опытный наставник, мастер своего дела, старший инструктор кафедры боевых машин ЧВТКИУ старший прапорщик Бабин учит сегодня курсантов секретам мастерства вождения. Его армейскому стажу могут позавидовать многие. Василий Николаевич прослужил более 30 лет в Вооруженных Силах и из них 20 лет — в Чирчикском танковом училище.

В 1975 году, закончив школу прапорщиков, он был направлен для дальнейшей службы в Чирчикское ВТКИУ на должность инструктора по вождению боевых машин. Здесь он служит и по сей день. Пять медалей за безупречную службу украшают грудь старшего прапорщика В. Бабина.

Скольким курсантам он за эти годы дал путевку в жизнь! Его воспитанники сейчас служат в различных гарнизонах. И все они благодарны наставнику за его учение, отеческую теплоту.

Два сына Василия Николаевича также закончили ЧВТКИУ. Старший сын — Олег, кавалер боевого ордена, ныне подполковник, а младший сын — Василий, служит в органах милиции.

Кстати, через несколько дней старшему прапорщику Бабину исполняется 55 лет. И хочется по этому случаю поздравить Василия Николаевича с днем рождения, пожелать ему крепкого здоровья, счастья и успехов в воспитании будущих защитников нашей Родины.

Майор Б. ЭРКИНОВ.

● АСКАР МАКТУБЛАРИ

Пўлатдек тобландим

Қўлимга илк бор чақирув қоғози келиб текканда дилимда аллақандай ҳадик, ҳаяжон, шу билан бирга ғурур туйдим. Бироз чўчиқирағаним сабаби, эҳтимол, армия ҳақида хира, ноаниқ тасаввурга эга эканлигимдан бўлса керак. Тўғри, мендан авval ҳарбий хизматга бориб, ҳар бир йигит учун зарур чиниқиш мактабини ўтаб келган таниш йигитлар менга армия тўғрисида гапириб беришганди. Лекин, бир марта кўрган афзалроқ деб сенга айтилмаган экан.

Қурилиш қисмига келиб тушган кунимоқ барча шубҳа-гумонларим тумандек тарқаб кетди. Биз, яъни оддий аскарлар учун керакли шарт-шароитлар муҳайё этилган. Қисмимизни кичик шаҳарчага ўхшатаман: унда замонавий спорт мажмуаларидан тортиб сартарошхона, дам олиш хоналаригача бор. Саҳар туриб кросс югуramиз, турли жисмоний машқлар бажарамиз. Ҳафтада бирикки маротаба жанговар машғулотлар ўтказилади. Бу ерга келганимдан буён ҳам жисмонан бақувватлашганимни рўйи-рост ҳис қилдим.

Дастлаб хизматни бошлаганимда офицер-командирларнинг бизга бўлган эътиборини кўриб, ниҳоятда севинган эдим. Ҳозир ҳам, хизмат қилаётганимга бир йилдан ошиқ муддат ўтган эса-да, уларнинг гамхўрликлари заррача камайгани йўқ. Айниқса, бизга ҳарб илмидан сабоқ бераётган майор Р. Сейдаматов, катта лейтенант М. Бекжонов, лейтенант А. Абдуллаев, сержантлар Д. Самижонов ва И. Эшонқуловлардан чексиз миннатдорман. Уларни қатиққўл, талабчан, ўз фанини пухта эгаллаган мураббийлар сифатида ҳурмат қиламиз. Менда тартиб-интизом, масъулият, ўзаро ҳамжиҳатлик, мустақил фикрлаш каби бир қанча ижобий хислатларнинг шаклланишида юқорида номлари зикр қилинган офицер-командир ва кичик командирларнинг улкан ҳиссаси бор. Тинимсиз қилинган машқлар, оғир ўқув-дала машғулотлари, кўпкилометрлик походларда пўлатдек тобландим. Жангчи учун зарур назарий ва амалий билимларни ўзлаштирдим.

Айни кунларда эса кўпгина сафдошларим қатори мен ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 5 йиллигини муносиб кутиб олишга шайланганман.

Оддий аскар Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ.

Астойдил интилиш самараси

Халқимиз тинч ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби кузги чақирув бўйича армияга отланган посбонларни кутиб олиб, улар учун барча зарур шарт-шароитларни муҳайё этди. Бу борада етук малакали офицер капитан Марат Қодиров хизмат қилаётган бўлинмада ҳам намунали ишлар амалга ошириляпти. Бўлинма сафига қўшилган посбонларни малакали мутахассис этиб тайёрлаш мақсадида қисм командири офицер С. Зайнутдиновнинг махсус буйруғига асосан пухта режа ишлаб чиқилган. Ёш жангчиларимиз белгиланган ўқув даврида мана шу режага асосланиб жанговар, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа машғулотлар билан шуғулланишади.

Ёш посбонлар учун ажратилган ётоқхона мукаммал жиҳозланган бўлиб, унда кундалик эҳтиёж воситалари муҳайё этилган. Ижтимоий-сиёсий ахборот хонаси давр билан ҳамнафас қуролли кўргазмалар билан тўлдирилган. Хуллас, ёш аскарлар ўз муқаддас бурчларини кўнгилдагидек бажаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бу натижаларга эришиш ва ёш посбонларимиз гамхўрлиги йўлида бўлинмадаги лейтенантлар — Лутфулла Бузруков, Ўткир Абдураззоқов, Шуҳрат Абдуллаев, Владимир Байдалов ва кичик лейтенант Фурқат Зокиров ҳамда кичик командирлар — Эрали Мирзаев, Ахтам Аҳмадалиев ва Фарҳод Содиқовлар ўзларининг салмоқли улушларини қўшмоқдалар.

Қисмимиз ҳарбий хизматчилари қишки мавсум ўқув машғулотларини юксак талаблар даражасида бошлаб юбордилар. Қисмда тартиб-интизом асосий ўринда туради. Солдатларнинг онгтафаккурини ўстириш ва уларнинг дунёқарашини шакллантириш ишига катта эътибор қаратилмоқда. Сержачт ва оддий аскарларнинг бўш пайтларида ёки дам олиш кунларида амалга оширилаётган маданий-маърифий тадбирлар бизда хизмат қилаётган барча йигитларга ёқиб тушмоқда. Улар дам олиш кунларини қизиқарли тарзда ўтказадилар. Аксарият посбонлар тартиб-интизом, ҳарбий хизматни аъло даражада ўташ йўл-йўриқлари тўғрисида қизиқарли суҳбатлар уюштирадилар. Ҳар томонлама ўзларининг интизомли, қобилиятли, ҳарб илмини ўзлаштира билишлари билан олдинги сафларда бораётган сержант ва оддий аскарлар қисмнинг фахри ҳисобланади.

Бўлинмамиз шахсий таркиби ҳам қишки мавсум ўқув машғулотларида зўр уюшқоқлик билан қатнашиб, ўз жанговар тайёргарликларини муттасил мукаммаллаштириб бормоқдалар. Ҳар бир дала-ўқув машғулотида янада юқори натижалар кўрсатиш учун астойдил интилаётган посбонлар касб сирсиноатларини қунт билан ўзлаштираётир. Бунинг учун бўлинмамиз ҳудудида ва полигонда барча шарт-шароитлар мавжуд. Посбоннинг чуқур назарий билимга эга бўлиши учун барча ўқув дастурлари пухта режа асосида ўтказилаётир.

Шунингдек, ҳафтада икки кун бўлинма офицер ва прапорщиклари шахсий таркибни жаҳон ҳамда республикамиз янгиликлари билан кенг таништириб бормоқдалар. Юртбошимиз айтганларидек, касбга, меҳнатга интилиш бўлган жойда, ўсиш, улғайиш, ишда унум ҳам бўлади. Ҳар бир командир ўз қўл остидагилар билан яқин бўлиб, уларнинг қалбига йўл топа билса, ўша ерда интизом ҳам, хизмат ҳам ўз ечимини топади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлинмамиз шахсий таркиби ўз Конституциявий бурчини виждонан бажариб, билдирган ишончни юксак шараф билан оқламоқда. Ҳозирда бутун диққат-эътиборини ўз жанговар тайёргарлик маҳоратларини янада оширишга жалб этган ҳолда, қутлуғ тўйга муносиб тарадудуд кўрмоқдалар.

Катта лейтенант У. АСЛАНОВ,
шахсий таркиб билан ишлаш бўйича командир ўринбосари.

● СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

АМБУЛАНСЛАР ҲАРАКАТДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февраль № 71 қарорига асосан республикамизда тиббий-ижтимоий патронаж ташкил қилинди. Шунга кўра «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси бўлимларига Германиядан келтирилган 14 та амбулансалар тарқатиб берилди.

1996 йил 28 мартда Республика Меҳнат вазирлиги «Тиббий»—ижтимоий хизматчи» деган мутахассисликни тасдиқлади. Бу тоифадаги мутахассисларни эса «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасига қарашли, Тошкент Давлат техника дорилфунуни қошидаги коллеж таёрлайди. Ушбу йилда бу коллеж 11 нафар мутахассис етиштирди.

Тиббий — ижтимоий патронажга кирадиган тиббий бригадада асосан терапевт, ҳамшира, тиббий-ижтимоий хизматчи ва ҳайдовчи бўлади.

Жорий йилнинг 22 апрелидан 22 майигача «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг мутахассислари врачларнинг малака ошириш институтида тиббий бригада аъзолари учун ўқиш ташкил этди. Барча вилоятлардан, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 38 нафар киши ушбу йўналишдаги қилинажак ишларни мукаммал ўрганди.

Германиядан келтирилган амбуланс машиналарининг қулайлиги — ичида замонавий тиббиёт жиҳозлари ўрнатилганидадир. Кўпчилик ҳатто уни кўчма поликлиникага ҳам қиёслашмоқда. Чунончи, бу машиналар марказдан узоқда, чўл ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолига ҳам ўша жойнинг ўзидаёқ тиббий муолажа кўрсата олади.

Бу замонавий тез ёрдам (амбуланс) машиналарини таъмирлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам осонгина ҳал этилади. Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон, Сирдарё ҳудудларида фаолият кўрсатаётган амбулансаларга «Ўзмедсервис» ижара корхонаси таъмирлаш хизматини кўрсатишни ўз зиммасига олган. Қолган вилоятларда эса шартнома асосида таъмирлаш ишларини амалга ошириш йўлга қўйилган.

«Мерседес—Бенс» сервис марказида 7 та вилоят амбулансаларининг шофёрлари тўла техник тайёрлов кўригидан ўтишди.

Аксарият вилоятларда амбуланс машиналари орқали ёзнинг дастабки кунлариданоқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Йилнинг учинчи чораги бўйича олинган маълумотларга кўра, ҳаракатдаги 14 тиббий бригада республикадаги 33 туманда бўлишиб, 5842 та оилани тиббий кўрикдан ўтказишган. 2247 қути зарур дори-дармонлар, 795 та санитар-гигиеник анжомлар, 349 кийим-бош, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бир қанча инсонпарварлик ёрдамлари қилинаётган хайрли ишларнинг натижасини кўрсатиб турибди. Яъни иш бошланганидан эътиборан 3 ой мобайнида кўчма тиббий бригадалар аҳолига 1 миллион 39 минг 637 сўмлик беминнат хизмат кўрсатишган.

Эзгу ниятлар йўлида қилинаётган бу каби ишлар жамғарманинг кундан-кунга нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Лейтенант С. АЛИЕВ.

● ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

МАҲАЛЛА ФАХРИ

Сирасини айтганда, маҳалла — бу кичик ватан демакдир. Маҳалла ободлиги, фаровонлиги юртнинг гуллаб-яшнаётганлигидан далолат беради.

Бухоро шаҳар, Файзулла Хўжаев туманидаги 13-Жўбор маҳалласининг раиси Карим ака Ҳасанов ҳам юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, маҳаллада қилинаётган эзгу ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Маҳаллада ободонлаштириш ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги кишини беҳад қувонтиради. Жорий йилда маҳалла фахрийларининг ташаббуси билан ушбу ҳудудга 6 минг туп манзарали, мевали дарахт ўтказилди. Экологиянинг мусаффолиги йўлида турли хил тадбирлар ўтказилиб, ёш авлодга бу борада маслаҳат, насиҳатлар бериб борилмоқда.

«Маҳаллада Файзулла Хўжаевнинг тарихий музейини очдик, унинг ҳайкалини ўрнатдик. Шунингдек, Абдурауф Фитратнинг боғини, музейини ташкил этиш ниятимиз бор» дейди маҳалла раиси Карим ака.

Иқтисодий ислоҳотларнинг кўлами кенгаяётган бир пайтда ушбу маҳаллада хусусий поликлиника фаолият кўрсата бошлади. Айни пайтда туман, шаҳар ҳокимлиги янги маҳалла биносининг қурилишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Бухорои шарифнинг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик ҳам маҳаллада қизғин бир тус олган.

Ушбу маҳалланинг фахри ҳисобланадиган Мубин ака Набиевлар оиласи доим маҳалладошлар ҳурмат эътиборида. 5 нафар фарзанд, бир этак невара, чевара, эвараларга бош-қош бўлаётган нуроний отахон Мубин ака ва нуроний онахон Ҳамрогул опалар яқинда ўзларининг турмуш қурганларига 50 йил тўлишини тантанали нишонлашди.

Юртимиздаги барқарорликни, маҳаллаларимиздаги аҳиллик, тотувликни кўриб, жамиятимиз равнақига бўлган ишонч янада мустаҳкамланаверади.

Лейтенант Алижон САФАРОВ.
«Ватанпарвар» мухбири.

ЯПОНСКИЕ АРХЕОЛОГИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ученые узбекистанской искусствоведческой экспедиции Института искусствознания имени Хамзы были первыми в бывшем СССР, кто наладил сотрудничество с коллегами из Страны восходящего солнца. Основателем и ее научным руководителем долгие годы была академик АН Республики Узбекистан Галина Пугаченкова.

Первая узбекско-японская археологическая экспедиция в 1989—95 годах продолжила частичные раскопки буддийского памятника в центре городища Дальверзинтепа в Сурхандарьинской области. В двух комплексах буддийского монастыря, разделенных толстой двойной стеной, изучались культовые и бытовые помещения. Ранее, в 80-х годах, в храмовом дворе первого комплекса обнаружены фрагменты крупных статуй и головы нескольких Будд и бодхисатв, а также светских персонажей — донаторов (II—IV вв. н. э.). Они свидетели высокого уровня культуры и мастерства наших предков. С большим искусством переданы детали одежды, украшений, причесок и одухотворенные лица. Очевидно влияние на их иконографию греко-римской и индийской школ ваяния, обогативших бактрийскую скульптуру.

В составе экспедиции работали профессора университета Сока (Токио) — Кюзо Като. Кендзо Дои, Мицуру Кояма, Тошино Хаяси, администратор Мотому Аота, а также студенты. Вместе с ними все трудности полевой романтики разделили исследователи Института археологии из города Кашихара (префектура Нара) — доктор Хиронобу Ишино, Камедо-сан, корреспонденты токийской газеты «Сэйкио», фотографы — Идзиро Ишиока и Тилуо Хонда. Итогом плодотворного сотрудничества с учеными Узбекистана стали две книги, изданные в Японии. Одна из них—альбом-каталог «Древности Южного Узбекистана» — опубликована в 1990 году на русском, японском и английском языках. Другая—монография «Городище Дальверзинтепа»— увидела свет в этом году и отпечатана на узбекском и японском языках. Это первое научное зарубежное издание на государственном языке.

Сотрудничество с японскими археологами продолжилось в этом году. Осенью на городище Дальверзинтепа побывала новая группа ученых. Ее возглавляли профессор Катзуми Танабе из университета города Канадзава и Акира Хори— директор по науке Музея Древнего Востока в Токио. Теперь объектом изучения была цитадель —место предполагаемого дворца правителя города.

Как показали предыдущие исследования, первое укрепленное поселение на ее месте возникло еще в III—II вв. до н. э. Когда оно стало цитаделью, около двух тысяч лет назад, ее оборонительные сооружения приобрели более внушительные пропорции. Тогда она уже имела широкий и глубокий ров с водой, окружавший крепостные стены значительной толщины, входные ворота, фланкированные по бокам прямоугольными башнями (до 25 метров длиной), и пандус подъема. Искусственная платформа из битой глины — пахсы — в основании служила надежной защитой от стенобитных орудий и затрудняла подкопы. Более чем десятиметровая толща культурных напластований холма, как слоеный пирог, «нашпигована» постройками I—V веков собственно цитадели. Они перекрыты домами и улицами поселения V—VIII веков.

В осеннем полевом сезоне этого года были частично раскопаны несколько помещений хозяйственно-бытового и жилого назначения VII—VIII веков. Обнаружено большое количество фрагментов столовой, кухонной и тарной керамической посуды, терракотовые скульптурки, образки и налепы с изображением женских и мужских персонажей, бронзовые монеты и фрагменты настенной росписи с многоцветным геометрическим орнаментом.

Загадки этой крепости будоражат ученых. Что же все-таки скрывается под многометровой толщей культурных напластований? Есть ли там античные храмы и дворцовые сооружения? Будут ли найдены скульптуры и настенная роспись? Или же это было только военно-оборонительное сооружение с казармами для воинов? Ответы на многочисленные вопросы предстоит получить в результате совместных многолетних изысканий узбекских и японских археологов.

Сергей КУРБАНОВ.
Информационное агентство «Жахон».

Фаровон турмуш учун

БМТ маълумотларига кўра, энг кам тараққий этган давлатларда дунё аҳолисининг ўндан бири истиқомат қилади.

Мисрда нашр этиладиган «Ал-Ахбор» газетасининг ёзишича, ҳар куни дунё миқёсида камбағаллар сони 63 миг кишига кўпаяр экан. Сўнгги йилларда бутун дунё давлатларида ялпи миллий даромаднинг 40 фоизга ўсишига қарамасдан аҳолининг камбағаллар табақаси сон жиҳатидан ўсиб бормоқда.

Охирги пайтда деҳқончилик учун яроқли ер майдонларининг камайиб бораётганлиги, зарар етказилган ўрмон хўжаликларининг қайта тиклаимаётганлиги, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш маҳсулдорлигининг ниҳоятда пастлиги Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида аҳоли турмуш даражаси пасайиб кетишининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Сўнгги илмий кашфиётлар ва айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги «Яшил инқилоб» лойиҳаси амалга оширилаётгани натижасида ер аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш борасида бир мунча сезиларли ютуқларга эришилди. 1980—90 йиллар мобайнида галла маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 20 фоизга ошиши натижасида аҳолининг табиий ўсиши билан озиқ-овқат етиштириш ўртасида мувозанат юзага келди.

Мақола «Ривожланаётган мамлакатлар четдан ёрдам кутмасдан фақат ўз иқтисодиётини тараққий эттиришлари орқалигина халқларини фаровон турмуш билан таъминлашлари мумкин», — деб якунланган.

Р. ҚОДИРОВ.
«Жахон» Ахборот агентлигининг Мисрдаги мухбири

ФОРС ҚЎРФАЗИ ДАВЛАТЛАРИ УЧРАШУВИ

ҚОҲИРА. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Р. Қодиров хабар қилишича, Қатар давлатининг пойтахти Доха шаҳрида Форс кўрфази давлатлари ҳамкорлик кенгаши аъзолари Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт, Уммон ва Қатар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ўз ишини тугатди.

Ўртада чегара можароси борлиги сабаб, Бахрайн раҳбари Қатарга келмади.

Учрашувда томонларни қизиқтирувчи турли масалалар, жумладан, Яқин Шарқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш, мазкур мамлакатларнинг Эрон билан муносабатлари, ягона иқтисодий ҳудуд ташкил этиш, минтақа хавфсизлигини таъминлаш каби муаммолар бўйича музокаралар бўлиб ўтди.

● В ОСО «ВАТАНПАРВАР»

НА СТАРТЕ—ПРИЗЫВНАЯ МОЛОДЕЖЬ

В Юнусабадском районном совете ОСО «Ватанпарвар» г. Ташкента становится хорошей традицией проводить различные спортивные соревнования среди допризывной и призывной молодежи. Так, недавно было проведено первенство района по стрельбе из пневматической винтовки, посвященное 660-летию Амира Темура. Соревнования проводились на базе средней школы № 24.

А на днях на базе средней школы № 246 в честь приближающегося Дня защитника Родины состоялись соревнования по военно-прикладному многоборью. На этот раз вступили в борьбу 29 школ района. Программа командных соревнований включала перетягивание каната, бег с ящиком для боеприпасов весом 20 кг и подтягивание на перекладине.

...Команды выстроились на спортивной площадке. Преподаватель ДПЮ средней школы № 246 С. Балашкин отдает рапорт главному судье соревнований Н. Мухаметову. Подается команда «Государственный флаг Республики Узбекистан поднять». И капитан команды школы № 246 Н. Жогов поднимает флаг, возвещающий о начале соревнований.

С приветственным словом к собравшимся обратился председатель районного фонда «Камолот» Ф. Низамов. Затем выступили заместитель председателя областного совета ОСО «Ватанпарвар» А. Нежинский, методист Юнусабадского районного отдела народного образования по допризывной подготовке подполковник запаса М. Напелхов.

После выступлений очередное первенство района по военно-прикладному многоборью началось. Отлично выступила команда средней школы № 246 по перетягиванию каната и стала победителем в этом виде состязаний (преподаватель ДПЮ С. Балашкин).

Встречная эстафета с 20-килограммовым ящиком для боеприпасов проходила на дистанции 50 метров. Одна за другой выходят пары на дистанцию эстафеты. Идет упорнейшая борьба. По итогам этой эстафеты первое место заняла команда средней школы № 288 (преподаватель ДПЮ майор запаса А. Львов).

Лучшим в подтягивании на перекладине стал учащийся средней школы № 247 М. Муйдинов. Он подтянулся 36 раз. А командное первое место в этом виде состязаний досталось учащимся средней школы № 288.

Соревнования закончились. Судейская коллегия подвела итоги. Первое общекомандное место завоевали учащиеся средней школы № 288. На втором — средняя школа № 246, на третьем — средняя школа № 98. В отдельных видах программы неплохо выступили учащиеся школ № 220, 235, 240, 247 и др.

Хорошую практическую помощь в проведении соревнований Юнусабадскому районному совету ОСО «Ватанпарвар» и районному отделу народного образования оказал начальник специального факультета Ташкентского института связи полковник Б. Аминов. Так, майор Р. Усманов и курсанты 5-го курса продемонстрировали для учащихся и болельщиков работу радиостанций. Курсанты 5-го курса оказывали помощь и в судействе соревнований.

В заключение необходимо отметить, что все члены команд-призеров были награждены ценными подарками и грамотами Юнусабадского районного совета ОСО «Ватанпарвар».

Р. ХАЙРУЛЛОВА,
инструктор-методист по организационно - массовой работе Юнусабадского районного совета ОСО «Ватанпарзар».

Оғир, машаққатли машқлардан кейин бир муддат нафасни ростлаб, ҳордиқ чиқариш қандай яхши. Кимдир бундай чоғ чекишни истайди, кимдир ўтириб олиб хаёл суришни...

Сержант Шуҳрат Рўзиев билан оддий аскар Азамат Халиловлар капитан Шердил Дадабоев билан республикамиз ҳаётида юз бераётган янгиликлар борасида суҳбат қуришни хуш кўришади.

Суратда: капитан Ш. Дадабоев сержант Ш. Рўзиев билан оддий аскар А. Халиловга Юртбошимиз 1997 йилни инсон манфаатлари йили бўлади деб айтганлиги тўғрисида мароқ билан ҳикоя қилиб бермоқда.

А. ЭШБОЕВ сурати.

ПРИКЛАДНАЯ ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА

(Продолжение. Начало в № 19, 22, 37, 46, 70, 78, 85, 102, 112, 115, 127, 138, 142).

При перелезании «силой» после энергичного разбега оттолкнуться сильнейшей ногой в 1 м от препятствия, другой ногой наскочить на препятствие и ухватиться руками за его верхний край. Энергично подтянуться и, помогая ногами, выйти в упор. При влезании на препятствия с широким верхним краем следует выходить в упор вначале на предплечья, а затем на прямые руки.

Далее перелезть через препятствие и соскочить одним из следующих способов:

1) перевалиться через препятствие, наклоняя корпус вперед, опереться ладонью правой руки о препятствие с противоположной стороны и, придерживаясь левой рукой за верхний край препятствия, перелести ноги, соскочить;

2) перенести через препятствие левую, затем правую ногу и соскочить с одновременным поворотом налево;

3) сесть на препятствие, свесив ноги, и соскочить из положения сидя;

4) опереться о препятствие правой ногой и, перенеся через него левую ногу, соскочить из положения опоры на руку и ногу.

При перелезании через пролом в кирпичной стенке необходимо согнуться в пояснице и просунуть в отверстие обе руки и правую или левую ногу, оттолкнуться руками от препятствия и, подтянув другую ногу, продолжить движение вперед.

Передвижение по узкой опоре.

Упражнения по передвижению по узкой опоре развивают навыки в сохранении равновесия при преодолении рвов, канав, полуразрушенных лестниц, мостов, чердачных перекрытий по перекинутым через них бревнам, балкам, рельсам и т. п.

Преодоление разрушенного моста.

Передвижение по балкам разрушенного моста производится на слегка согнутых в коленях ногах нешироким шагами, ступни ног ставить вдоль бревна, слегка разводя ноги в стороны, смотреть на опору в четырех-пяти шагах перед собой.

Взбегание на забор и сбегание с забора по наклонной доске.

Взбегание производится за 3—4 шага.

Для быстрого и безостановочного взбегания необходима высокая скорость разбега. С короткого энергичного разбега в момент входа на доску первым опорным шагом резко наклонить корпус вперед и не отклонять плечи назад вплоть до начала движения по первому отрезку балки разрушенного моста. Взбегание по наклонной доске необходимо производить на носках согнутых в коленях ног.

В момент взбегания на забор (с третьим и четвертым последним шагом) опереться руками о верхний срез забора, с тем чтобы движение по первому отрезку балки разрушенного моста начать как бы с низкого старта.

Сбегание с забора по наклонной доске производить короткими стопорящими шагами, наступая на опору всей поверхностью ступней слегка согнутых в коленях ног.

Преодоление разрушенной лестницы производится перелезанием с опорой на руки, на бедро, на грудь или прыжками, наступая на ступени.

При преодолении лестницы с обязательным касанием земли между ступенями необходимо подбежать к первой ступени и преодолеть ее прыжком или с опорой рукой и ногой. Без предварительного доскока оттолкнуться ногами от земли и, подтягиваясь на руках, выйти в упор на прямые руки и отведенную в сторону слегка согнутую правую ногу; не останавливаясь, пронести над ступенью левую ногу, соскочить на землю у очередной ступени на слегка расставленные и согнутые в коленях ноги. Таким же образом преодолеть третью ступень.

При преодолении разрушенной лестницы в обратном направлении необходимо с разбега наскочить на вторую ступень наклонной лестницы; подав плечи вперед, схватиться руками за верхний срез четвертой ступени и взбежать на нее. Не разгибаясь, сбежать на землю, поочередно наступая на третью, вторую и первую ступени разрушенной лестницы слегка согнутыми ногами.

Передвижение в узких местах и проходах.

Преодоление лабиринта. Лабиринт может преодолеваться несколькими способами.

Для преодоления лабиринта необходимо пробежать по десяти его проходам (секциям). В момент каждого поворота для более быстрого разворота туловища необходимо помогать себе руками, захватывая ими поочередно верхние перекрытия лабиринта.

Для скоростного преодоления лабиринта может быть рекомендован следующий способ. Подбежать к правостороннему входу в лабиринт, сделать 2—3 стопорящих шага (для погашения скорости), правой ногой войти в проход лабиринта, а левой рукой обхватить сбоку левую вертикальную стойку прохода под сочленением ее с горизонтальной жердью. Придерживаясь пальцами левой руки за стойку, повернуться налево и, начав движение с левой ноги, сделать 2 коротких шага по первой секции прохода. Вместе со вторым шагом (правой ногой) правой рукой обхватить хватом сбоку вертикальную стойку второго прохода под сочленением ее с горизонтальной жердью. Придерживаясь пальцами правой руки за стойку, сделать третий шаг (левой ногой) с одновременным поворотом направо (вокруг стойки). На этом заканчивается первый трехшажный цикл.

Очередной цикл продвижения по второй секции лабиринта производится в той же последовательности, но движение начинается с правой ноги.

При выходе из лабиринта (десятая секция) одновременно с последним шагом правой ногой и поворотом налево схватиться руками хватом сбоку за вертикальные стойки прохода из лабиринта, подтянуться к ним, оттолкнуться и с левой ноги начать стремительный бег к очередному препятствию. В том случае, когда проход в лабиринт находится с левой стороны, входить в него необходимо с левой ноги, а цикл движений по первой секции прохода начинать с правой.

При проведении занятия необходимо учитывать, что учебное занятие на полосе препятствий не должно сводиться к натаскиванию учащихся в выполнении контрольных нормативов (требований спортивных разрядов).

Каждое занятие должно носить учебно-тренировочную направленность и непременно предполагать совершенствование техники преодоления препятствий, выработку общей и скоростной выносливости.

Ю. МИХАЙЛОВ,
заслуженный работник народного образования Республики Узбекистан.
(Продолжение следует).

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида

Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 1996 йил 13 декабрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 48,52 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 51,05 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси марказий банки 1996 йил 14 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	40,45
1 Австрия шиллинги	4,69
1 Англия фунт стерлинги	34,36
10 Бельгия франки	16,01
10 Греция драхмаси	2,09
1 Дания кронаси	8,63
1 БАА дирхами	13,91
1 АҚШ доллари	51,05
1 Исландия кронаси	0,76
10 Испания песети	3,92
1 Канада доллари	37,56
1 Қувайт динори	170,48
1 Германия маркаси	32,98
1 Норвегия кронаси	7,87
1 Польша злотийси	17,91
1000 Туркия лираси	0,49
1 Финляндия маркаси	10,04
1 Франция франки	9,76
1 Швейцария франки	38,73
1 ЭКЮ	63,76
10 Жанубий Корея вони	0,61
10 Япония иенаси	4,51
1000 Россия рубли	9,23
1 Украина гривнаси	27,08
1000 Беларусь рубли	3,31
1 Эстония кронаси	4,24
1 Латвия лати	91,56
1 Литва лити	12,76
1 Қозоғистон тенги	0,70
1 Қирғизистон сомси	3,05

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

В странах Содружества

МОСКВА. Российские ядерные ракеты должны быть перенацелены, если на сессии Совета Североатлантического сотрудничества в Брюсселе возобладает идея дальнейшего продвижения НАТО на Восток, считает председатель Комитета Государственной Думы по безопасности Виктор Илюхин. Не исключая развития событий в этом нежелательном направлении, он сказал, что, по его мнению, пришла пора развеять иллюзии Запада относительно безучастного поведения России в этом случае.

Секретарь Совета обороны помощник Президента Российской Федерации Юрий Батурин находится в Таджикистане с рабочим визитом.

Визит совершается по поручению Президента Российской Федерации «в соответствии с просьбой руководства Таджикистана».

Юрий Батурин проведет консультации, которые затронут «широкий круг региональных проблем, касающихся интересов России в этом регионе», — сообщили в аппарате Совета обороны.

***

Ассоциация национальных информационных агентств (АНИА) создана на учредительной конференции руководителей агентств стран СНГ. Она призвана обеспечить взаимодействие и сотрудничество государств — участников СНГ.

Первыми членами ассоциации стали национальные агентства Азербайджана, Армении, Таджикистана, Украины, Киргизии, Молдавии, Казахстана и России в лице ИТАР — ТАСС. Деятельность новой структуры будет осуществляться на основе равноправия, уважения независимости суверенных государств и невмешательства во внутренние дела друг друга.

По замыслу учредителей, АНИА ежедневно будет выпускать информационный и фотовестники, причем каждое из агентств вольно предоставлять для него материалы, которые считает наиболее актуальными. Эта продукция призвана заполнить существующий информационный вакуум. По словам вице-премьера правительства России Виталия Игнатенко, который был избран руководителем АНИА, важно придать всей информации не комментарийный смысл, а четкий государственный ориентир.

ДУШАНБЕ. Президент Таджикистана Эмомали Рахмонов подписал указ о реализации протокола по урегулированию военно-политической обстановки в зонах противостояния. Как уже сообщалось, такой протокол был подписан в ходе переговоров между президентом Таджикистана и лидером объединенной таджикской оппозиции, состоявшихся в одной из северных провинций Афганистана. Указом предусмотрено прекращение с 0 часов 12 декабря 1996 года вооруженного противостояния в зонах боевых действий республики.

АЛМА-АТА. Завершение формирования обновленного Каспийского трубопроводного консорциума во многом связано с настойчивостью и целеустремленностью, проявленными президентами Казахстана и России. Об этом заявил на состоявшейся в Алма-Ате пресс-конференции для представителей местных и зарубежных средств массовой информации министр нефтяной и газовой промышленности республики Нурлан Балгимабаев и подкрепил сделанные выводы рядом конкретных и малоизвестных широкой общественности фактов.

АШХАБАД. 12 декабря в Туркменистане отмечался как национальный праздник День нейтралитета. Год назад на 50-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН была одобрена резолюция, закрепившая статус Туркменистана как нейтрального государства.

МИНСК. На фоне жесточайшего экономического и назревающего политического кризисов на Белоруссию навалилась новая беда — в стотысячном Светлогорске многострадальной, опаленной Чернобылем Гомельской области отмечен небывалый для республики всплеск ВИЧ-инфекции. Прогнозы специалистов Республиканского центра профилактики СПИДа неутешительны: следующими жертвами глобальной эпидемии могут стать жители Жлобина. Рогачева, Пинска, где уже выявлена ВИЧ-инфекция среди наркоманов.

ИА «Жахон».

ГВАРДИЯЧИ ЭКИПАЖ

1807 йил 25 июнда император Александр I ва Наполеон Тилзита шаҳри яқинида учрашишади. Наполеон ўтирган антиқа катер тахта тўшамага келиб тиркалади. Ва у чаққонлик билан рус ҳукмдоридан олдин тўшамага чиқиб олади. Бу ажойиб катернинг сир-асрорлари ҳақида, уни ким бошқаргани тўғрисида билишга қизиқиб қолган Александр I Наполеондан сўрайди. Маълум бўлишича, катерни жанговар жиҳатдан баркамол бўлган гвардиячи батальон матroслари бошқарган экан.

1810 йилнинг бошида рус ҳукмдорининг буйруғига кўра Россияда ҳам Гвардиячи флот экипажи ташкил қилинади. Бунга 4 та жанговар рота, музика хори ва артиллерия командаси кирган. Гвардиячилар денгизда ўзларини қандай тутишса, қуруқликда ҳам шу қоидага, анъанага риоя этишган. Улар асосан икки хил кийинишади. Яъни, ёзги флотча ва қуруқчиликда кийиладиган қишки кийимлар шулар сирасига кирган. Бошқалардан фарқли ўлароқ, уларнинг кийимларида махсус гвардиячи егерларга оид денгиз флотининг рамзи акс эттирилган.

Гвардиячи денгизчилар Ватан урушида ҳам фаол қатнашишган. Яъни улар жанговар-ҳарбий топшириқларни эмас, кўпроқ инженерлик — таъмирлаш ишларини бажаришган. Ҳатто душманга ҳарбий омборларни, истеҳкомларни қолдирмаслик учун бузишган. Ваҳоланки, бу жанг давом этаётган бир пайтда жудаям хавфли бўлган 1812 йилда экипаж 53 нафар аъзосидан ажралган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, гвардиячи экипажнинг оғир ва машаққатли шароитларда бир-бирини қўллаб-қувватлашигина бу кўрсаткичнинг кам қайд этилишига сабаб бўлган. Масалан, навбатдаги бир топшириқни бажаришаётганда Вили дарёси ҳавзасида мичман Лермонтовнинг ўлимига бир баҳя қолади. Матрос Мурдалев ўз ҳаётини хавф остига қўйиб бўлсада, офицерни қутқаришга мардонавор уринади. Қизиги шундаки, офицерни сочидан тортиб сувдан олиб чиққангани учун матрос ҳатто кечирим ҳам сўрайди. Ваҳоланки, матроснинг офицерни қутқаришга шундан бошқа илажи йўқ эдида. Бунга жавобан мичман ўз халоскорини қучиб, миннатдорчилик билдиради. Гвардиячи экипаж орасида ана шундай ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат бор эди. Бунга яна бир мисол яққол далил бўла олади. Олтин қишлоғи яқинида рус армияси французларга қарши ҳужумга ўтади. 2-ранг гвардия капитани Колзаков оғир яраланган ёшгина француз офицерини кўриб қолади. Унга раҳми келган капитан рақибига мурувват кўрсатиб, уни госпиталга жўнатади. Орадан кўп вақт ўтмай гвардия флотининг экипажи Парижга боради. Капитан Колзаков эса француз офицерининг уйига бориб, бу ҳақда унинг онасига билдиради.

Ватан урушидан кейин гвардиячи экипаж кўпроқ денгиз флотига боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилинади. Бу пайтга келиб экипажда 5 та император яхтаси ва «Меркурий» жанговар фрегати бор эди.

Гарчи экипаж аъзолари йилдан-йилга ошиб борган бўлсада, аъзоликка кириш учун бўладиган синов жуда қийин бўлган. Яъни, жисмонан баркамол ва жанговар топшириқларга руҳан тайёр кишиларгина саралаб олинган.

Лейтенант А. ВАЛИЕВ.

У крыльев Кивина большой размах

Кавээнзское движение в нашей стране приобретает с каждым годом все больший размах. Это говорит не только о благоприятном духовном климате нашего общества, но и является барометром его демократизации.

На игре за 3-е место столичного чемпионата между командами «Ташкентские каникулы» и «Рай гангстеров», помимо полного зала болельщиков, присутствовали в большом объеме и юмор, и сатира, и обстановка праздника. Тема игры — «Кое-что о шоу-бизнесе» — стала благодатной почвой для многочисленных пародий на популярные телепрограммы и звезды эстрады и кино. Правда, словно по молчаливому уговору, «остро заточенное и посыпанное перцем» перо кавээнщиков почти не задевало отечественный шоу-бизнес.

Обе команды блеснули и музыкальностью, и находчивостью, и артистизмом. Но все же поувереннее и поостроумнее своих оппонентов из Ташкентского государственного пединститута выглядела команда «Ташкентские каникулы», собранная на базе Узбекского государственного университета мировых языков и Ташкентского государственного университета. Это отразилось и в оценках жюри. Видимо, сказался здесь опыт капитана УзГУМЯ Дмитрия Левина, который после нескольких выступлений в качестве ведущего вернулся к своему прежнему амплуа игрока. Он был в этот вечер душой команды и заслуженно получил львиную долю аплодисментов.

17 декабря в драмтеатре им. Горького состоится финальная встреча: «Женихи из Ташкента» против «Первого в очереди» (команда ТашИИТ).

А уже через два месяца после финала на одном из горных курортов страны планируется проведение первого фестиваля КВН. Заявки на участие в нем будут приниматься от всех желающих.

Будем надеяться, что в предстоящем фестивале попробуют свои силы и клубы военных училищ, уже заявлявшие о себе в КВН: Ташкентского высшего общевойскового командного училища, Самаркандского высшего военного автомобильного командно-инженерного училища, а может быть и другие.

В. МУРАТХАНОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Ранг-баранг олам

ЛЯГУШКИ — МУТАНТЫ

Когда Брюс Нельсон выловил в одном из озер штата Миннесота очередную лягушку, то опытный взгляд рыболова сразу же уловил какую-то ненормальность. Присмотревшись, он обнаружил, что у земноводного вместо задних лап торчат какие-то обрубки.

В штатах Миннесота, Южная Дакота, Вермонт, а также в канадской провинции Квебек экологам все чаще сообщают о находках этих представителей семейства бесхвостых земноводных с хвостами, деформированными конечностями, без глаз, с уменьшенными половыми органами. И ученые пока никак не могут найти причину подобных аномалий.

Если гипотезы разнятся, то в отношении потенциальных последствий эксперты практически единодушны. «Вполне резонно допустить, что в случае воздействия на земноводных какого-то внешнего фактора, — считает Дэвид Хоппе, член группы ученых, изучающих данную проблему по заказу властей Миннесоты, — он может пагубно сказаться и на человеке». А исследователь из Управления по контролю над загрязнением окружающей среды Миннесоты Дэкуди Хелген прокомментировала ситуацию так: «Мне просто становится страшно».

***

10 яшар Валтер Лопес Рейес гондурасликтаниқли олимлар ва тиббиёт ходимларини боши берк кўчага киритиб қўйди. Маълум бўлишича, боланинг ҳозирги вазни бор йўғи 6 килограмм ва бўйи 43 сантиметр, яъни салкам икки қарич бўлиб, туғилган пайтда кафтга сиғарди. Олимлар «бармоқ»дай боланинг қандай қилиб дунёга келгани тўғрисида ҳануз бир фикрга келолмай гаранг.

Дарвоқе, Валтер ақлий жиҳатдан бутунлай соппасог, тезроқ, улгайиб, машина сотиб олиш ва унда уйга «келин» олиб келишни орзу қилади. Энг катта нияти — келажакда албатта генерал бўлиш.

* * *

Ҳиндистон ва Бангладеш ҳукуматлари Ганга дарёсини иккига бўлиб олмоқчи. Бангладеш ҳукумати раҳбари Ҳасиниёнинг Деҳлига расмий ташрифи чоғида ана шу масала муҳокама қилиниши кутилмоқда. Мазкур масала аччадан бери икки қўшни мамлакат ўртасида дўстона муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб келарди.

Маълумки, Ганга дарёси ҳар икки мамлакат ҳудудидан оқиб ўтади. Дарёда кема қатновини йўлга қўйиш мумкин. Бу эса икки қўшни давлат ўртасида ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини янада кенгайтиришга имкон берали.

* * *

ТАЙНА «РАЙСКОГО САДА»

Лаочан, укромно схоронившаяся в бамбуковых зарослях деревушка в сто дворов в юго-западной провинции Гуйчжоу, известна на весь Китай как «райский сад», где с гарантией уготовано если не бессмертие, то здоровое долголетие.

Доктора на все лады расхваливают несравненные качества здешней питьевой воды, отличающейся уникальной мягкостью и идеальным подбором минеральных солей, а бамбуковый лес изобилует целебными растениями. «Зеленая аптека», снадобья которой запасают из деревенского источника, вылечила семерых раковых больных, утверждают очевидцы. Один эксперт предположил даже, что под деревней находится какой-то низкорадиоактивный источник, вода которого губительно действует на раковые клетки, но абсолютно безвредна для человека. Средняя продолжительность жизни лаочаншев стабильно превышает 80 лет, и никто из местных жителей в жизни не видел в окрестности ни комаров, ни гусениц, ни прочих вредных насекомых.

(По материалам печати).

ҲИКМАТЛАР

Эр давлати — элида.

***

Элини танимаган эр бўлмас.

***

Гул бутасида дуркун.

***

Бурчи йўқнинг бурди йўқ.

***

Фаолият одатга, одат эса қисматга элтади.

***

Ожиз қалб — кўзи ожизликдан ёмон.

Матлуба УЛУҒОВА,
Халқ таълими аълочиси, фахрий педагог.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ



Юноши приходят в ряды Вооруженных Сил еще неокрепшими парнишками, а увольняются в запас физически окрепшими зрелыми мужчинами, имеющими высокий разряд по нескольким видам спорта. Почему? Дело в том, что именно в армии созданы все условия для различных состязаний, приобретения хорошей спортивной формы. Футбол, теннис, бокс, рукопашный бой, гиревой спорт, борьба самбо, дзюдо — вот лишь небольшой перечень видов спорта, культивируемых в воинских подразделениях.

Наш фотокорреспондент А. Эшбаев запечатлел любителя «железной игры» рядового Зафара Холджигитова во время одной из его тренировок.

МУХИ И ЗДОРОВЬЕ ЛЮДЕЙ

Мухи после проведенных на них экспериментов выглядели, как герои некоего фантастического фильма: с крыльями на ножках и усиках они мало напоминали привычных всем «жужжащих». Маленькие «монстрики» — наглядное доказательство одного из чудес, разгаданного генетиками. В результате исследований, проведенных на обычных мухах, ученые выявили ген, который «отвечает» за рост крыльев, и научились управлять его импульсами. Открытие дает ключ к пониманию того, как во время образования и развития плода гены превращают одинаковые клетки в различные части тела: руки, ноги, глаза. А зная это и умея имитировать определенные сигналы, ученые надеются найти в будущем способ предотвращения врожденных дефектов у людей.

(«Глобус» № 31).

Сўзлар оламида

Сўзлар ҳам одамларга ўхшаб доимо ҳаракатда, у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа кўчиб юради. Гоҳо чет элларга ҳам бош олиб кетиб қолаверади. Бир кун ясантусан қилиб, қош-кўзини бўяб келганида ҳатто танимай ҳам қоласиз.

Қуйида худди шунақа сўзлардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Авария. Арабча «Аъвар» (зарар, талафот, бузилиш) сўзи италян тили орқали русчага ўтган.

Адмирал. Арабча «амир ал-баҳр» (денгиз ҳокими, қўмондони) сўзи голланд тили орқали русчага ўтган.

Азимут. Арабча «ас-сумут» (йўллар) сўзи француз тили орқали русчага ўтган.

Алкоголь. Арабча «ал-куҳул» (майда-майда кукун) сўзи испанчага, ундан немисчага, кейин эса русчага ўтган.

Альманах. Арабча «алмунаҳ» (тақвим, календарь) сўзидан лотинчага, ундан русчага ўтган.

Арсенал. Арабча «дар алснаъ» (аслаҳахона, устахона) сўзи француз, италян тиллари орқали русчага ўтган.

Атаман. Турк тилидаги «атаман» (улуг ота, бобо) сўзи русчага ўтган.

Балкон. Форсча «балахона» (болахона) сўзи италян тили орқали русчага ўтган.

Барабан. Форсча «балабанг», «баланд банг» (қаттиқ овоз, қичқириқ) сўзи туркча орқали русчага ўтган.

Бензин. Арабча «лубан жавий» (хушбўй-смола, катрон) сўзи лотинча талаффузда «бензой»га айланиб италянчага, ундан эса русчага ўтган.

Бояр. Қадимги туркчадаги «бой эр» (бой эркак, бой одам) сўзидан олинган.

Варвар. Арабча «барбар» (Шимолий Африкадаги қабилалардан бири) сўзидан юнончага, ундан эса русчага ўтган.

Графин. Арабча «гарафа» (ботириб олмоқ) сўзи италян, немис тиллари орқали русчага ўтган.

Зенит. Арабча «самт» (йўналиш, йўл) сўзи лотинча, французча орқали русчага ўтган.

Капитан. Лотинча «капут», «капитис» (бош, калла) сўзлари французчага, ундан эса русчага ўтган.

Киоска. Форсча «кўшк» (сарой) сўзи туркчага, ундан французчага, кейин эса русчага ўтган.

Колбаса. Туркча «кул-басти» (махсус усул билан пиширилган гўшт) сўзи русчага ўтган.

Кондитер. Арабча «қанд» сўзи лотинчага, ундан эса русчага ўтган.

Кузов. Татарча «козав» (сават) сўзи туркчага, ундан русчага ўтган.

Магазин. Арабча «махазин» (омборлар) сўзи француз тили орқали русчага ўтган.

А. УСМОНОВ тайёрлади.

● ЭТИКА — НЕ МЕЛОЧЬ

ВЫ ПРИШЛИ В ГОСТИ

Бывает это по разным случаям. Не следует забывать, что на званые вечера приходят только приглашенные. Обязанности гостя выработаны самой жизнью, и они очень просты. Научиться выполнять их — значит соответствовать общепринятому мнению: «Хороший гость — подарок для хозяев».

Итак, вы приглашены на званный вечер. Выработанное правило не рекомендует брать в гости детей, особенно если нет детей у хозяев. Ну а вдруг безвыходное положение, вы все-таки берете с собой детей. Тогда следите за их поведением, приучайте к тому, чтобы они вели себя спокойно, никому не мешали.

Показатель вашей культуры — приход в назначенное время.

Сделаем исключение: вы пришли раньше времени. Это может поставить хозяев, не успевших приготовиться к вечеру, в затруднительное положение. Если же вы опоздали, надо извиниться перед хозяевами и другими гостями: иначе ваше опоздание может быть расценено как неуважение к собравшимся.

Следует помнить, что хороший гость не заставляет развлекать себя, а сам готов занять других, если нужно. Он не критикует цвет ваших обоев, не дает рекомендаций по приготовлению ваших фирменных блюд, не высказывает сочувствия по поводу недостаточной воспитанности ваших детей и сомнений в чистопородности собаки.

Как вести себя за столом? Просто, непринужденно, не развязно. Старайтесь говорить на темы, интересные всем присутствующим. Не вступайте в пререкания, не затевайте оживленных споров.

Уделять внимание в первую очередь надо вашей соседке, стараться предупредить ее желания, предлагать и подавать кушанья, но не класть их на ее тарелку без спросу.

Может получиться так, что вам надо уйти раньше других. При этом достаточно тихо попрощаться с хозяевами.

Капитан
Т. АБДУСАИДОВ,
корр. «Ватанпарвара».

БУ БИЗГА БИР САБОҚ БЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН — СУРИЯ — 1:2.

«А» ГУРУҲИ

	Жамоалар	1	2	3	4	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	БАА		3:2	1:1	2:0	3	2	1	0	6-3	7
2	ҚУВАЙТ	2:3		2:0	2:2	3	1	1	1	6-5	4
3	ЖАНУБИЙ КОРЕЯ	1:1	0:2		4:2	3	1	1	1	5-5	4
4	ИНДОНЕЗИЯ	0:2	2:2	2:4		3	0	1	2	4-8	1

«В» ГУРУҲИ

	Жамоалар	1	2	3	4	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	ЭРОН		3:0	1:2	3:1	3	2	0	1	7-3	6
2	САУДИЯ АРАБИСТОНИ	0:3		1:0	6:0	3	2	0	1	7-3	6
3	ИРОҚ	2:1	0:1		4:1	3	2	0	1	6-3	6
4	ТАИЛАНД	1:3	0:6	1:4		3	0	0	3	2-13	0

«С» ГУРУҲИ

	Жамоалар	1	2	3	4	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1	ЯПОНИЯ		1:0	2:1	4:0	3	3	0	0	7-1	9
2	ХИТОЙ	0:1		3:0	0:2	3	1	0	2	3-3	3
3	СУРИЯ	1:2	0:3		2:1	3	1	0	2	3-6	3
4	ЎЗБЕКИСТОН	0:4	2:0	1:2		3	1	0	2	3-6	3

EMIRATES 96 XITH ASIAN CUP

Осиё кубоги мусобақаларининг миллий терма жамоамиз учун бир қадар оғир кечишини эҳтимол, баъзи мутахассисларимиз олдиндан сеза билишгандир. Чунки, улар ўзаро алоқалар ва имконият бўлганда қитъамизнинг бошқа давлатларига сафарлари чоғида озми-кўпми шу мамлакат футболи қандай аҳволдалигидан боҳабар бўлишган. Лекин, ҳали мухлисларимиз Осиё футболи ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмасдилар. Шунинг учун терма жамоамиздан фақат ютуқ кутишганди.

Афсуски, Хиросимадаги каби қувончлар бу сафар бизга насиб этмади. Япония футболчиларидан йирик ҳисобда мағлубиятга учрашнинг ўзиёқ бизни сергаклантириб қўйганди. Ўша ўйин якунлангач, хаёлимизга кўп нарсалар келганди. Лекин, ҳали имконият бутунлай йўқолмагани боис, балки бу бўлажак рақибни чалғитиш учун қўлланган бир усуллдир, деган ўйга ҳам борган бўлишимиз мумкин.

Пўқ, аввал ютуқни нақд қилиб қўйиб, кейин «ҳийла» ишлатиш керак эди. Ғолиб чиқиш учун эса йигитларимиз ожизлик қилишди. Сурия терма жамоасига қарши ўйинда ҳам улар худди японлар билан бўлганидек, суст ҳаракатланишди. Зеро, бу учрашувда бизни дуранг натижа ҳам қониқтирарди. Афсуски, энг қулай имкониятга эга бўла туриб, ундан унумли фойдаланилмади.

Бу мағлубият бизга нимани намоён қилди? Терма жамоамиз таркиби Хиросимадаги Осиё XII ўйинларидагидан деярли ўзгармаганди. Ҳисоб. Ўша таркибдаги И. Шквирин, Ф. Магомедов, И. Шарипов, У. Рўзимов, Ф. Давлетов, А. Абдураимов каби етакчи ўйинчиларимиз бу сафар ҳам терма жамоага жалб қилинганди. Фақатгина А. Федоров ва М. Косимовларнинг иштирок этолмагани шундоққина сезилиб қолди. Демак, бу галги мусобақаларда энг қийин вазиятларда жамоага ёрдами тегиб қолиши мумкин бўлган ҳимоячи ва ўйинни бошқара оладиган «диспетчер» етишмади.

Сурияликлар киритган икки тўп ҳимоячиларимизнинг кўпол хатолари туфайли амалга ошди. Дастлаб қанотдан ошириб берилган тўпни қайтариб юбориш учун икки ҳимоячимизда имкон бўлсада, улар буни уддалай олишмади. Ҳаводаги тўпни улардан баландроқ сакраган Нодир Жаҳодар боши билан дарвозага йўллади. Орадан беш дақиқа ўтгач, омад бизга кулиб боққандек бўлди. Сурия терма жамоаси ҳимоячилари ўз жарима майдончаларида С. Лебедевни чалиб йиқитишди. Ҳакам томонидан ҳаққоний равишда белгиланган 11 метрлик жаримани эса Лебедевнинг ўзи бехато бажарди. Лекин шу ўйинни хурсандчилик билан якунлаш бизга насиб этмаган экан. Яна ҳимоячиларимизнинг хатоси қимматга тушди. Бу сафар Али Чехдиб томонидан киритилган гол Сурия футболчиларига галаба келтирди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси учун чорак финалга йўл беркитилди.

Албатта, бу натижа бундан икки йил олдин Хиросимада қаҳрамонларга айланган терма жамоамиз шаънига яхши бўлмади. Энди дўппини қўлга олиб, чуқур ўйлаш фурсати етди. Гарчи Осиё футболи жаҳон миқёсида яхши кўрсаткичга эга бўлмасада, энглиликда бу қитъада ҳам аста-секин ривожланиш йўлига кириб борилаётгани сезилди. Демак, бизнинг ҳозирги фаолиятимиз ҳаттоки Осиёда муваффақиятга эришиш учун ҳам талабга жавоб бермас экан. Футболчиларга яратилаётган имконият ёмон эмас. Фақат уларнинг тарбияси, жисмоний тайёргарлиги ва маҳоратини бойитиш учун жиддий ишга киришмоқ зарур.

Энди XI Осиё кубоги мусобақаларининг чорак финали бизнинг футболчиларимиз иштирокисиз давом этади. Гуруҳ ўйинларида муваффақият қозонган БАА, Қувайт, Жанубий Корея, Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ, Япония ва Хитой терма жамоалари курашни давом эттиришади. Жамоалар баҳсларни қуйидаги тартибда давом эттиришади:

15 ДЕКАБРЬ
ЧОРАК ФИНАЛ
1. БАА — Ироқ (Абу Даби).
2. Қувайт — Япония (Ал Айн).

16 ДЕКАБРЬ
ЧОРАК ФИНАЛ
1. Жанубий Корея — Эрон (Дубай).
2. Саудия Арабистони — Хитой (Абу Даби).

18 ДЕКАБРЬ
ЯРИМ ФИНАЛ

21 ДЕКАБРЬ
1. 3—4 ўринлар учун ўйин.
2. ФИНАЛ.

Равшан МУСУЛМОНОВ.

Сакура ўзбек заминида

Яққасарой қабристони Тошкентдаги бошқа қабристонлардан ўзининг бир хусусияти билан фарқ қилади. У ҳам бўлса, у ерда дафн этилган турли миллатлар қатори япон ҳарбий асирларининг ҳам юзга яқин қабрлари бор. Охирги йилларда Японияда келаётган турли даражадаги ҳайъатлар ва ўзбек ерида мангу уйқуда ётган японларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари зиёрат қилмоқдалар. Авваллари бу ишларни амалга ошириш маълум қийинчиликлар, қолаверса, тўсиқларга учраган бўлса, ҳозирга келиб ўртамиздаги илиқ, дўстона муносабатлар туфайли борди-келдилар яхши йўлга қўйилди.

Юртимизда япон аскарлари дафн этилган яна бир нечта мозорлар бор. Улар республикамизнинг Ангрен, Қўқон, Коғон, Бекобод шаҳарлари ҳудудидаги қабристонлардир.

1995 йилда «Яққасарой» қабристонида республикамизда вафот этган 812 япон ҳарбийлари хотираси учун ёдгорлик ўрнатилиши катта воқеа бўлди. Икки томоннинг аҳдлашувига кўра, қабристонларда ободонлаштириш ва хотира лавҳалари ўрнатиш каби тадбирлар юқорида номи келтирилган шаҳарларда ҳам амалга оширилмоқда.

Япон ва ўзбек халқларини яқиндан танишишларида, халқ дипломатиясининг амал қилишида Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциация қошида ташкил этилган «Ўзбекистон — Япония» жамияти ҳамда «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияларининг роллари катта. Гарчи япон ассоциацияси 1979 йилда ташкил этилган бўлса-да, бу жамият фаолияти кейинги йилларда янгича аҳамият қасб этди.

Ҳар икки жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади бор. У ҳам бўлса япон ва ўзбек халқларини бир-бирларининг ҳаёти, маданияти, миллий удумлари ва ютуқлари билан таништиришдан иборат.

1995—96 йилларда Японияда 20 дан ортиқ делегация ташриф буюриб, миллий ассоциациямиз меҳмони бўлдилар.

Японияда ҳам, ўз навбатида тўрт марта Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Уларда «Лазги», «Баҳор» халқ ашула ва рақс дасталари, фольклор дасталари муваффақият билан ўз санъатларини намойиш этдилар. Турли кўргазмалар ва фильмлар намойиши ташкил этилди.

Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтиш керакки, ҳар йили Японияннинг Осақа шаҳрида фаолият кўрсатувчи «Тинчликнинг яшил камари» жамоатчилик жамғармасининг вакиллари миллий ассоциацияси билан биргаликда «Тинчлик боғи»ни ташкил қилиш тадбирларини ўтказдилар. Бундан ташқари Японияннинг «Марубени корпорейшен» ширкатининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси «Япон гуллари жамияти» билан биргаликда миллий ассоциацияга Тошкентда япон боғи ташкил қилиш учун сакура дарахти ниҳоллари туҳфа қилдилар. Япон сакурасининг Тошкентда ҳам гуллашига шубҳамиз йўқ...

Нероил ШАМСИМУҲАМЕДОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ПОГОДА

По сообщению Главгидрометцентра, 14—16 декабря в республике будет облачно, заметно в конце периода снизится дневная температура воздуха.

В эти дни ночью температура воздуха ожидается —2—7, днем +5+10. На севере Узбекистана ночью будет —5—10, днем +3+7.

Бош муҳаррир подполковник Ғ. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031 г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21 ТЕЛЕФОНЫ

Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар»

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Зак. № 0564.